

А.Б. Ақпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова,
Т. В. Лихобабенко



*Қозоғистон Республикаси
Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган*

МАТЕМАТИКА

Умумтаълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик

1-қисм

Алматы

 “Алматыкітап” –  “Жазушы”

2018

УДК 373.167.1
ББК 22.1я 72
А 40

Шартли белгилар



– дарснинг мақсади



– Сиз нимани ўргандингиз?



– ёдда сақланг



– баҳолаш учун топшириқ



– ўрганинг



– гуруҳда ишлаш



– жуфтликда ишлаш



– амалий иш



– мустақил иш



– уй вазифаси



– ижодий иш



– кундалик ҳаётда математика

Ақпаева А.Б. ва бошқ.

А 40 Математика. Умумтаълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик: 4-қисмли.
1-қисм / А.Б. Ақпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова, Т.В. Лихобабенко.
– Алматы: “Алматыкітап” – “Жазушы”, 2018. – 108 бет, расмли.

УДК 373.167.1

ББК 22.1я 72

ISBN 978-601-01-4335-8 (1-қисм)
ISBN 978-601-01-4111-8 (жами)

© Ақпаева А.Б., Лебедева Л.А., Минжасарова М.Ж.,
Лихобабенко Т.В., текст, 2018

© ТОО «Алматыкітап баспасы», 2018

Ўзбек тилине “Жазушы” баспасында аударылды, 2018

АЗИЗ ДЎСТИМ!

Биз сиз билан қайта учрашганимиздан мамнунмиз. Ёшингизга бир ёш қўшилди. Мазкур дарслик 2-синфда ўқиган “Математика” фанининг давоми бўлиб ҳисобланади. Бу ўқув йилида сиз 1000 ичида санашни, кўпайтириш ва бўлиш жадвалини ёдлашни ўрганасиз. 1000000 сони билан танишасиз. Энди сиз дўконда харид қилишни, соат ёрдамида вақтни аниқлашни, узунликни ўлчашни ва нарсанинг массасини аниқлашни билиб оласиз. Мактабгача бўлган йўлга қанча вақт сарфланишини, массани қандай ўлчов бирлиги ёрдамида ўлчашни ўрганиб оласиз.

Дарсликда қизиқарли топшириқлар сизнинг тафаккурингизни ва топқирлигингизни ривожлантиришга ёрдам беради. Дўстларингиз билан мисолни тез ва тўғри ечиш бўйича беллаша оласиз, ифода тузасиз, масала, тенглама ечасиз. Геометрик фигураларнинг хоссаларини ва уларнинг юзасини ўлчашни ўрганасиз.

Биз, дарслик авторлари, сизга билим чўққиларини эгаллашда муваффақият тилаймиз. “Математика” фанини қизиқиш билан ўқиб, олган билимларингиздан кундалик ҳаётда фойдалана олишингизни хоҳлаймиз.



1А БЎЛИМ. 1000 ИЧИДАГИ СОНЛАР. ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

1

1000 ичидаги сонлар

Жониворлар ва ўсимликлар дунёсига иқлимнинг таъсири



Сиз уч хонали сонларни ўқишни, ёзишни ва таққослашни ўрганасиз, тенгсизликлар ечасиз.

1. а) Бўш катакларга керакли сонларни ёзинг.

$$200 = \square \text{ юзлик} \quad 400 \text{ кг} = \square \text{ ц} \quad 100 \text{ кг} = \square \text{ ц}$$

$$900 = \square \text{ юзлик} \quad 700 \text{ кг} = \square \text{ ц} \quad 1000 \text{ кг} = \square \text{ ц}$$

б) Намунада кўрсатилгани каби ечинг.

$$200 + 100 = 2 \text{ юзлик} + 1 \text{ юзлик} \quad 400 + 500$$

$$1000 - 100 = 10 \text{ юзлик} - 1 \text{ юзлик} \quad 800 - 200$$

$$900 - 100 = 9 \text{ юзлик} - 1 \text{ юзлик} \quad 1000 - 800$$

$$900 + 100 = 9 \text{ юзлик} + 1 \text{ юзлик} \quad 700 - 200$$

2. Жадвалдаги сонларни ўқинг. Сонларнинг хоналарини айтинг.



Хона – бу сонларнинг ёзувидаги рақамнинг ўрни.

Бирликлар синфи			
Хоналар			Соннинг модели
юзликлар	ўнликлар	бирликлар	
3	0	0	▲ ▲ ▲
3	0	5	▲ ▲ ▲ ● ● ●
3	4	5	▲ ▲ ▲ ■ ■ ● ● ●

Хона
сон

Бирликлар
синфи



Уч хонали сонларни таққослаш энг катта хонадан бошланади.



3. Рангли кесма қоғоз тайёрлаб олинг. Уларга сонларнинг хонасини ёзинг. Уч хонали сонларни таққослаш қоидасини айтинг. Берилган қоидаларни давом эттиринг.

$$\begin{array}{ccccccc} 3 & 5 & 5 & > & 1 & 3 & 9 \\ & 3 & & > & 1 & & \end{array}$$

$$\begin{array}{ccccccc} 5 & 2 & 3 & < & 5 & 6 & 4 \\ & 2 & & < & 6 & & \end{array}$$

$$\begin{array}{ccccccc} \square & \square & < & \square & \square & \square & \square \\ \square & \square & > & \square & \square & \square & \square \end{array}$$



4. Таққосланг.

$$742 * 427$$

$$504 * 405$$

$$331 * 312$$

$$401 * 410$$

$$1000 * 601$$

$$297 * 270$$

$$1000 * 999$$

$$650 * 605$$

5. Уч хонали сонларни тўғри топсангиз, жонли табиатга нималар киришини билиб оласиз. Сонларни ўсиш тартибида ёзинг. Ҳар бир соннинг хонасини айтинг.



9



30



10



418



39



330



339



101



49




362




Уч хонали сонлардан бирининг намунасини ясаб кўринг. Фигуралар ва ҳисоблаш материалларидан фойдаланинг.


6. Ҳар бир ҳолда x сони қандай қийматга эга бўлиши мумкин?




x нинг қийматини топиш учун сонлар нуридан фойдаланган маъқул. Нур чизинг. x нинг ўрнига қўйиш мумкин бўлган сонлар жойлашган бўлагини қия чизиқлар билан чизиб кўрсатинг.



7. а) Сонлар тўпламидан 345 дан ортиқ ва 345 дан кам бўлган 5 та сонни ёзинг.



б) Сонлар нурини чизиб, 1 сантиметрли бўлакларга бўлинг. Ундаги 1 см 100 бирликни билдиради. Сонлар нурида 250 сонини белгиланг. Ечимлар тўпламидан исталган 10 та сонни териб ёзинг.



8. Устун шаклида ҳисоблаб, тўғрилигини текширинг.

$34 + 23$	$72 - 57$	$25 + 18$	$78 + 22$	$62 - 38$
$78 - 76$	$100 - 45$	$74 + 18$	$12 + 61$	$88 - 67$

9. Масалани ечинг.

Бу йили об-ҳавонинг ноқулайлиги сабабли олма дарахтининг ҳар бирдан 4 кг дан 5 яшик олма олинди. Ўтган йили эса худди шундай 9 яшик олма йиғилган эди. Бу йил неча килограмм кам олма йиғилди?



10. а) Агар сонларнинг ёзувида битта рақам такрорланадиган бўлса, 4, 6, 9 рақамларидан нечта икки хонали сон тузиш мумкин? Шу сонларни ёзинг.

б) Агар сон иккита турли хил рақам билан ёзилса, 4, 6, 9 рақамларидан нечта икки хонали сон тузиш мумкин? Шу сонларни ёзинг.

в) Агар сонларнинг ёзувида рақамлар такрорланмаса, 4, 6, 9 рақамларидан нечта уч хонали сон тузиш мумкин? Шу сонларни ёзинг.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



2

Хона қўшилувчиларининг йиғиндиси

Жониворлар ва ўсимликлар дунёсига иқлимнинг таъсири



Сиз уч хонали сонларнинг таркибини аниқлашни ўрганасиз.

1. Чўлда ёғингарчилик кам бўлади. Чўлда ўсадиган ўсимликлар кўп. Агар сиз уч хонали сонлар ичидан ўнликлар ва бирликлар хоналари бўлмаган сонларни топиб ёзсангиз Қозоғистон чўлларидаги ўсимликларни билиб оласиз.



300
саксовул




600
бетага



400
тикан



800
жузғун



708
алоэ



940
кактус



2. Юзликни катта квадрат билан, ўнликни кичкина квадрат билан белгиланг. 100 сонидан нечта ўнлик бўлса, шунча кичкина квадратнинг расмини чизинг.

3. а) Хона нима?

б) 135 сонидан 3 та хона бор: 1 юзлик, 3 ўнлик, 5 бирлик.



Бу сонни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзиш мумкин:

$$135 = 1 \text{ юзлик} + 3 \text{ ўнлик} + 5 \text{ бирлик} = 100 + 30 + 5$$

1 0 0

1 3 0

1 0 5

1 3 5

3 0

5

$$135 \text{ см} = 1 \text{ м} + 3 \text{ дм} + 5 \text{ см}$$

$$\boxed{1} \boxed{3} \boxed{5} \text{ см} = \boxed{} \text{ м} + \boxed{} \text{ дм} + \boxed{} \text{ см}$$



4. а) Тушунтириш билан ҳисобланг.

5 0 0

5 6 0

5 0 5

5 6 5

6 0

5

$400 + 50$

$670 - 70$

$509 - 500$

$789 - 9$

$400 + 5$

$677 - 7$

$590 - 500$

$789 - 80$

$450 + 5$

$677 - 600$

$590 - 90$

$789 - 700$

б) Жавобини сантиметрларда ифодаланг.

$4 \text{ м} + 5 \text{ дм}$

$6 \text{ м } 7 \text{ дм } 7 \text{ см} - 7 \text{ см}$

$7 \text{ м } 89 \text{ см} - 9 \text{ см}$

$4 \text{ м} + 5 \text{ см}$

$6 \text{ м } 7 \text{ дм } 7 \text{ см} - 6 \text{ м}$

$7 \text{ м } 8 \text{ дм } 9 \text{ см} - 8 \text{ дм}$

$4 \text{ м } 5 \text{ дм} + 5 \text{ см}$

$6 \text{ м } 7 \text{ дм} - 7 \text{ дм}$

$789 \text{ см} - 7 \text{ м}$

5. Сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзинг.

354

438

634 см

642

571

829 см



6. Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$350 \text{ кг} = \square \text{ ц } \square \text{ кг}$

$2 \text{ ц } 5 \text{ кг} = \square \text{ кг}$

$270 \text{ кг} = \square \text{ ц } \square \text{ кг}$

$3 \text{ ц } 80 \text{ кг} = \square \text{ кг}$

$2 \text{ ц } 40 \text{ кг} = \square \text{ кг}$

$2 \text{ ц } 9 \text{ кг} = \square \text{ кг}$

$300 \text{ кг} = \square \text{ ц}$

$1000 \text{ кг} = \square \text{ ц}$

$2 \text{ ц} = \square \text{ кг}$

7. Масалани ечинг.

Метеоролог ҳар куни уч соат сайин об-ҳавони текширади. У ўзининг журналига бир ойда ҳаво очиқ бўлган кунларни 200 марта, булутли кунларни 35 марта, ёғин-сочинли кунларни 5 марта ёзди. У жами нечта ёзув ёзган?



Метеорология – Ер атмосфераси ва унда бўладиган ҳодисалар ҳақидаги фан.



Метеоролог – табиат ҳодисаларини ўрганувчи мутахассис.

8. Сонлар нурини чизинг. Тенгсизликни танланг. Сонлар нурида унинг ечимлари тўпламини белгиланг. Исталган 5 та қийматни териб ёзинг.



$$x > 200$$



$$x < 550$$




$$x > 290$$




$$x > 100$$



$$300 < x$$



Сонлар нурида содда тенгсизликнинг ечимлар тўпламини кўрсатиш учун нурдаги бўлақларни кўрсатмай, керакли сонни белгиланг. Сўнгра ечимлар тўплами жойлашган нурнинг бўлагини қия чизиқлар билан кўрсатинг.



9. Кесма қоғозлардаги ифодалардан фойдаланиб, тенглик ва тенгсизликлар тузиб ёзинг.

$6 \cdot 4$		$8 \cdot 3$		$15 : 3$
	$9 \cdot 2$		$7 \cdot 2$	
$12 : 6$		$3 \cdot 3$		$18 : 2$
	$10 : 2$		$6 \cdot 3$	



10. 9, 1, 8 рақамларидан барча уч хонали сонларни тузинг. Уларни камайиш тартибида ёзинг.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



3

Уч хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айириш

Жониворлар ва ўсимликлар дунёсига иқлимнинг таъсири



Сиз уч хонали сонларни қўшиш ва айиришни ўрганасиз.

1. Ўнликлар хонасида 0 турган уч хонали сонларни териб ёзинг. Шунда сиз Қозоғистон чўлларида қандай жониворларнинг яшашга мослашганини билиб оласиз. Уларни камайиш тартибида ёзинг.



890
тулки



509
эчкиэмар



308
тошбақа



380
олмахон



105
қўшоёқ



907
типратикан



350
кузан



2. Тўла юзлик, тўла ўнлик ва бирликлар ёзилган кесма қоғозлар тайёрланг. Қуйидаги сонларни тузинг.

5	3	2
---	---	---

1	2	4
---	---	---

5	0	6
---	---	---

5	0	0
---	---	---

1	0	0
---	---	---

5	0	0
---	---	---

3	0
---	---

2	0
---	---

0	0
---	---

2

4

6



Олдинги ва кейинги сонларни айтинг. Олдинги сон нечта кам? Кейинги сон нечта ортиқ?

3. Ҳисоблаш усулини тушунтиринг.

$$636 + 121 = (600 + 100) + (30 + 20) + (6 + 1) = 700 + 50 + 7 = 757$$



Бирликлар бирликларга қўшилади.
Ўнликлар ўнликларга қўшилади.
Юзликлар юзликларга қўшилади.

$$757 - 121 = (700 - 100) + (50 - 20) + (7 - 1) = 636$$



Бирликлардан бирликлар айрилади.
Ўнликлардан ўнликлар айрилади.
Юзликлардан юзликлар айрилади.

4. Ҳисоблашларни тушунтирган ҳолда бажаринг.

$241 + 124$

$854 - 423$

$908 - 103$

$957 - 120$

$640 + 237$

$405 + 230$

$792 - 371$

$897 - 521$

$650 + 207$



5. Ҳисобланг.

а) $230 + 521$

$372 + 304$

$520 + 105$

$220 + 36$

б) $648 - 232$

$502 + 305$

$308 + 230$

$108 + 11$



6. Масалани ечинг. Масаладаги маълумотларни ўзгартириб, бошқа тўла ўнликларни қўйинг. Уни қайтадан ечинг.

Азизанинг бу йилги об-ҳавони кузатиш кундалигида 60 кун ёғин-сочинли, 250 кун очик, қолган кунлар булутли бўлиб белгиланди. Агар бир йилда 365 кун бўлса, у ҳолда Азиза нечта булутли кунни белгилаган?

7. Ҳарфий ифодаларнинг қийматини топинг.

d	6	7	8	9
$d + 150$				

k	6	7	8	9
$k \cdot 4$				



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Инсон ҳаётига иқлимнинг таъсири



Сиз уч хонали сонларни қўшиш ва айиришни ўрганасиз.

1. Ушбу сонларнинг моделини ясанг. Юзликларни, ўнликларни ва бирликларни маълум бир нарсалар, фигуралар ёрдамида белгиланг. Шу сонлар ҳақида айтиб беринг.



100




220



324



Сон нурининг ечимлар тўпламини кўрсатинг. Шу тўпламдаги 5 та сонни айтинг.

 $x < 100$ $x < 220$ $324 > x$ 

2. Ҳисоблашларни тушунтиринг.

$$678 + 2 = 670 + (8 + 2) = 670 + 10 =$$

$$791 + 9 = 790 + (1 + 9) = 790 + 10 =$$

$$992 + 8 = 990 + (2 + 8) = 990 + 10 =$$

$$680 - 2 = (670 + 10) - 2 = 670 + (10 - 2) = 670 + 8 =$$

$$800 - 9 = (790 + 10) - 9 = 790 + (10 - 9) =$$

$$1000 - 8 = (990 + 10) - 8 = 990 + (10 - 8) =$$

3. Ҳисобланг.

а) $576 + 4$ $872 + 8$ $1000 - 7$ $780 - 9$

$593 + 7$ $986 + 4$ $790 - 6$ $900 - 7$

$3 + 547$ $4 + 806$ $800 - 7$ $300 - 6$

$7 + 123$ $2 + 288$ $900 - 2$ $500 - 4$




б) $567 + 3$ $2 + 678$ $777 + 3$ $400 - 9$

$439 + 1$ $16 + 324$ $888 + 2$ $670 - 5$

$560 - 9$ $900 - 7$ $500 - 7$ $350 - 7$



4. Ҳисоблаш усулини тушунтиринг.



5. Масалани ечинг. Берилганга тесқари масала тузинг.

Тажрибали метеоролог бир йилда 240 марта об-ҳавони олдиндан айтди. Унинг ёрдамчиси эса ундан 115 марта кам об-ҳавони олдиндан айтди. Улар биргаликда бир йилда неча марта об-ҳавони олдиндан айтишган?



6. Биринчи мисолларни ечинг. Уларнинг жавобидан фойдаланиб, навбатдаги мисолларнинг жавобини тез топинг.

$(650 + 40) - 390$	$560 - (100 + 60)$	$(810 + 90) - 100$
$(660 + 40) - 390$	$560 - (100 + 40)$	$(810 + 60) - 100$
$(670 + 40) - 390$	$560 - (100 + 20)$	$(810 + 30) - 100$



7. Болалар об-ҳавони бир ҳафта давомида кузатишди. Жадвал ёрдамида саволларга жавоб беринг.



	Дш	Сш	Чш	Пш	Жм	Шб	Яш
Ёғингарчилик	+	-	-	+	-	-	-
Шамол	-	+	-	-	-	+	-

- Шамол бўлган кунларни айтинг.
- Ёғингарчилик бўлмаган кунларни айтинг.
- Ёғингарчилик ҳам, шамол ҳам бўлмаган кунларни айтинг?



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Инсон ҳаётига иқлимнинг таъсири




Сиз уч хонали сонларни қўшиш ва айиришни ўрганасиз.

1. Ҳисобланг.



2. Ҳисоблаш усулини тушунтиринг.



3. Ҳисобланг.

а) $490 + 60$	$510 - 40$	$1000 - 70$	$520 - 40$
$460 + 80$	$910 - 50$	$360 + 80$	$960 - 40$

б) $286 + 7$	$852 - 9$	$564 + 6$	$345 - 8$
--------------	-----------	-----------	-----------

в) $730 \text{ см} - 50 \text{ см}$	$890 \text{ см} + 40 \text{ см}$	$910 \text{ см} - 60 \text{ см}$
$340 \text{ см} + 60 \text{ см}$	$480 \text{ см} - 160 \text{ см}$	$420 \text{ см} - 130 \text{ см}$

4. Масалани ечинг.

Об-ҳаво қулай бўлганлиги сабабли ҳосил баракали бўлди.

Биринчи экин майдонидан 457 машина буғдой олиб кетилди. Бошқа экин майдонидан эса бундан 35 машина кам буғдой олиб кетилди. Иккита экин майдонидан жами неча машина буғдой олиб кетилди?



Масалада берилган маълумотларни ўзгартириб, уни қайтадан ечиб кўринг.

5. Битта ҳарфдан тузилган ифодаларни топиб ўқинг. Ҳарфлар ўрнига қийматини қўйиб, ҳисобланг.

$$a \cdot 2$$

$$a + 800 - b$$

$$813 - b$$

$$a + 456$$

$$387 + a$$

$$(a + 8) + b$$

$$a = 20$$

$$b = 100$$

Сиз қиймати берилган битта ҳарфдан тузилган ифодаларнинг ечимини ёза оласиз. Иккита ҳарфдан тузилган ифоданинг қийматини топиб кўринг.



Намуна: $(a + 8) + b$

$$a = 20$$


$$b = 100$$

$$(20 + 8) + 100 = 128$$

6. Масала бўйича ифода тузинг. Уни ечинг.

Ёғингарчилик бўлган куни дўконда 240 та эркаклар зонтиги ва ундан 130 та кам аёллар зонтиги сотилди. Ҳаммаси бўлиб нечта зонтик сотилган?

7. Ҳарфларнинг ўрнига жадвалдаги сонларни навбат билан қўйиб, ифодалар тузиб ёзинг. Уларнинг қийматини топинг.





8. Ифодалар тузиб ёзинг. Уларнинг қийматини топинг.

- 120 ва 50 сонларининг йиғиндисига 100 ни қўшинг.
- 306 сонига 120 ва 60 нинг айирмасини қўшинг.
- 980 ва 500 нинг айирмасидан 300 ни айиринг.
- 500 сонига 120 ва 80 нинг айирмасини қўшинг.



9. Масалани ечинг.


а) Бу йили 50 кун ёғин-сочинли, булутли кунлар ундан 40 кун ортиқ, қолган кунлари эса ҳаво очиқ бўлди. Бу йил неча кун очиқ бўлди? Масалага қандай маълумотлар етишмайди?



б) Берилган диаграммани ўқинг. Бу ерда қандай кунлар белгиланган? Қанча кун ёғин-сочинли бўлган? Ҳаво очиқ бўлган, шамол бўлган, булутли кунлар-чи?



Масала бўйича диаграмма ясанг. 1 катакни 10 кун деб ҳисобланг.



■ Шамол

■ Ёмғир

■ Ҳаво очиқ

■ Булутли

10. Қўшиш ва айириш амалларини қандай текшириш керак эканлигини ёдингизга тушинг. Текшинг.

$$460 + 500$$

$$180 - 90$$

$$459 - 9$$

$$540 - 500$$

$$90 + 80$$

$$540 - 300$$

$$709 + 80$$

$$290 - 90$$

$$870 - 50$$

$$830 + 70$$

$$89 + 700$$

$$750 - 300$$



11. $+$ $-$ амалларининг кераклисини қўйинг.

$$270 \square 30 \square 70 = 170$$

$$270 \square 30 \square 70 = 370$$

$$270 \square 30 \square 70 = 230$$

$$270 \square 30 \square 70 = 310$$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Ўсимликлар дунёси



Сиз тўла мингликлар билан танишасиз.

1. а) Ҳар бир қутидан исталган сонни танлаб олинг. Ҳар бир қутидан юзликлар, ўнликлар ва бирликларни танлаб олиб, уч хонали 6 та сон тузинг.



- б) Ёзилган сонларда жами нечта юзлик, ўнлик, бирлик борлигини айтинг.

2. Жадвалда ёзилган сонларни ўқинг. Ҳар бир соннинг хона қўшилувчиларини айтинг.

Юзликлар	Ўнликлар	Бирликлар
5	0	6
	4	1
7	2	0
9	9	9

3. Матнни ўқинг. Унда қандай сонлар бор? Қандай сонлар сизга таниш, қайсилари таниш эмас?



Қозоғистоннинг ўсимликлар дунёсида дарахтларнинг 68 тури, бутанинг 266 тури, кўп йиллик ўсимликларнинг 2000 дан ортиқ тури ва бир йиллик ўсимликларнинг 849 тури бор деб ҳисобланади.



4. Бирликлар билан санаш мумкин: бир, икки, уч...

1 2 3 4 5 6 7 8 9

Ўнликлар билан санаш мумкин: бир ўнлик, икки ўнлик, уч ўнлик...

10 20 30 40 50 60 70 80 90

Юзликлар билан санаш мумкин: бир юзлик, икки юзлик, уч юзлик...

100 200 300 400 500 600 700 800 900



Нарсалар жуда кўп бўлса, у ҳолда улар мингларда саналади. **Мингликлар** – янги санаш бирлиги. Мингликлар билан бирликлар каби саналади.

10 бирлик = = 1 ўнлик	10 бирлик минг = 1 ўнлик минг = 10 000
10 ўнлик = = 1 юзлик	10 ўнлик минг = 1 юзлик минг = 100 000
10 юзлик = 1 минглик	10 юзлик минг = 1 минглик минг = 1 миллион = 1 000 000

1 000 2 000 3 000 4 000 5 000 6 000 7 000 8 000 9 000 1 000 000



Бирликлар, ўнликлар ва юзликлар биринчи синфни ёки бирликлар синфини ташкил этади. Мингликлар, ўн мингликлар ва юз мингликлар иккинчи синфни ёки мингликлар синфини ташкил этади.

Кўп хонали сонларни чапдан ўнгга томон синфлар номи билан ўқилади. Бирликлар синфини ва ҳамма рақами 0 бўлган синфнинг номи айтилмайди.

Масалан, 4000 – тўрт минг, 25000 – йигирма беш минг.



Кўп хонали сонларни тўғри ўқиш учун уларни 3 хонадан синфларга бўлиб олинади. Бунинг учун ўнг томонидан 3 рақамдан бўлиб олинади. *Масалан: 656000 – олти юз эллик олти минг (бирликлар синфининг номи айтилмайди).*



5. Бир хонали соннинг ўнг томонига нолни ёзинг (битта ноль, учта ноль, тўртта ноль, бешта ноль). Қандай сонлар ҳосил бўлди?

6. Сонларни ўқинг.

Синфлар	Миллионлар			Мингликлар			Бирликлар		
	3-синф			2-синф			1-синф		
Хоналар	юзл.	ўнл.	бирл.	юзл.	ўнл.	бирл.	юзл.	ўнл.	бирл.
	9-	8-	7-	6-	5-	4-	3-	2-	1-
Сонлар						6	0	0	0
					5	6	0	0	0
				4	5	6	0	0	0
			1	0	0	0	0	0	0

Миллион – бу мингта минглик, 1 сони ва олтига ноль билан ёзилади: 1000000. Миллион – миллионлар синфининг дастлабки бирлиги. Миллион – янги санок бирлиги.

Миллион.
Минглик
синфи



Кўпхонали сонлар юқори хонадан бошлаб таққосланади.


$$15\ 000 * 9\ 000 \quad 33\ 000 * 101\ 000 \quad 650\ 000 * 65\ 000$$



7. Намуна бўйича сонлар моделини тайёрланг.

а) $35\ 000$ $205\ 000$

б) $5\ 000$ $235\ 000$



8. $+$, $-$ арифметик амалларнинг кераклисини қўйинг.

$$(380 \square 120) \square 160 = 100$$

$$(380 \square 120) \square 160 = 420$$

$$(380 \square 120) \square 160 = 340$$

$$(380 \square 120) \square 160 = 660$$



9. Масалани ечинг.

Қозоғистоннинг Қизил китобига ўсимликларнинг 370 тури киритилган, қўзиқоринларнинг тури бундан 360 та кам. Қизил китобга нечта ўсимлик ва қўзиқоринлар киритилган? Қизил китобга яна нималар киритилганини айтинг?



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



7 1000000 гача мингликлар билан санаш. Сонлар қатори

Ўсимликлар дунёси



Сиз миллионгача бўлган сонларни мингликлар билан санашни, ёзишни, таққослашни биласиз.

1. а) Бирликлар синфида нечта хона бор? Уларни айтинг. Жадвалдаги сонларни ўқинг.

Синфлар	Мингликлар			Бирликлар		
	2-синф			1-синф		
Хоналар	Юз	Ўн	Бир	Юзл.	Ўнл.	Бирл.
	минглик	минглик	минглик	Юзл.	Ўнл.	Бирл.
	6-	5-	4-	3-	2-	1-
Сонлар						1
					2	1
				3	2	1
			4	0	0	0
		5	4	0	0	0
	6	5	4	0	0	0

- б) Сонларни ўқинг. Исталган иккита сонни танланг. Уларни ёзинг ва таққосланг. Хулоса чиқаринг.

25 000 458 000 2 000 44 000
 902 000 563 000 77 000 1 000 000

- в) Ушбу сонларни ёзинг: 6 ўн минглик 105 бирлик; 3 юз минглик; 5 минглик; 45 минглик; 505 бирлик.


- г) Ушбу сонлар қаторини ўсиш тартибида ёзинг.



2. Матнни ўқинг. Ундаги сонларни камайиш тартибида ёзинг.

Ер юзидаги ўсимликларнинг номи бир миллиондан ортиқ. Уларнинг илмий номи сифатида уч юзи танлаб олинган, яна тўрт юз саксон минги қўшимча бўлиб ҳисобланади.

3. Дафтарингизда нур чизинг. Сонни нурда белгиланг, ҳар бир тенгсизликнинг ечимлар тўпламидан 5 та қийматдан ёзинг.



4. Кўрсатилган ўлчов birlikларида ифодаланг.

$$359 \text{ см} = \square \text{ м } \square \text{ дм } \square \text{ см}$$

$$5 \text{ м } 6 \text{ дм } 8 \text{ см} = \square \text{ см}$$

$$98 \text{ см} = \square \text{ дм } \square \text{ см}$$

$$9 \text{ м } 7 \text{ дм} = \square \text{ см}$$

$$105 \text{ см} = \square \text{ м } \square \text{ см}$$

$$7 \text{ м } 5 \text{ дм} = \square \text{ дм}$$

5. Масалаларни ечинг.

а) Хиёбонда ҳар бир қаторга 4 та бутадан 8 қатор қизил атиргуллар ва 23 та оқ атиргуллар ўтқазилди. Хиёбонга жами нечта атиргул ўтқазилди?

б) Хиёбонга ўтқазилган учун 179 та текис баргли ва 186 та игна баргли дарахт кўчатлари олиб келинди. Агар ҳали ўтқазилмаган 145 та кўчат бор бўлса, хиёбонга нечта дарахт кўчати ўтқазилган?

6. Тенгламаларни ечинг.

$$a - 98 = 312 + 317$$

$$x + 120 = 900 - 540$$


$$595 - x = 114 + 216$$

$$480 + b = 960 - 150$$



7. Берилган йиғиндининг қиймати ҳосил бўладиган учта сонни танланг.

100



990



660



8. Далада ўсадиган чиннигул, сачратқи, сув лилияси соат 5 да, 8 да, 9 да очилади. Сув лилияси соат 8 да, сачратқи эса ундан 1 соат кейин очилади. Чиннигул соат нечада очилади?

Сачратқи гул-чи?



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Ҳайвонот дунёси



Сиз кўпхонали сонларни ўқишни,
ёзишни ва таққослашни ўрганасиз.

1. Жадвалдаги сонларни ўқинг.

Синфлар	Мингликлар			Бирликлар		
	2-синф			1-синф		
Хоналар	Юз	Ўн	Бир	Юзл.	Ўнл.	Бирл.
	минглик	минглик	минглик			
	6-	5-	4-	3-	2-	1-
Сонлар			5	0	0	0
		4	5	0	0	0
	3	4	5	0	0	0
	3	0	0	0	0	0
	2	0	5	0	0	0
	6	7	0	0	0	0



Хоналардаги рақамлар берилган сонни ҳосил қилиши учун неча бирлик, ўнлик, минглик, ўн минглик, юз мингликлар қўшиш керак?

$371\ 000 = 300\ 000 + 70\ 000 + 1\ 000$ – бу хона қўшилувчиларининг йиғиндиси.



2. Ўқинг, тушунтиринг, ҳисобланг.

$$300\ 000 + 70\ 000 = 370\ 000$$

$$300\ 000 + 200\ 000$$

$$350\ 000 + 210\ 000$$

$$18\ 000 + 9\ 000$$

$$300\ 000 + 453\ 000$$

$$600\ 000 + 95\ 000 + 200$$

$$450\ 000 + 20\ 000 + 5\ 000$$

$$15\ 000 + 4\ 000 + 300 + 5$$


$$800\ 000 + 10\ 000 + 400$$

$$60\ 000 + 7\ 000 + 80$$



3. Сонларнинг моделини намуна бўйича ясаб кўрсатинг.

530	530 000
345	345 000
203	203 000



М.и.

4. Таққосланг.

$$52000 * 5200$$

$$32000 * 32000$$

$$302\ 000 * 300000$$

5. Сонларни хона қўшилувчиларига ажратинг. Тўғри тенгликларни дафтарингизга ёзинг.

$$470\ 000 = \square + \square$$

$$953\ 000 = \square + \square + \square$$

6. Матнни ўқинг. Сонли маълумотлардан фойдаланиб, тенгсизлик тузинг.

Шимолий Қозоғистоннинг ўрмонли далаларида буғу, жайрон, оқ қуёнлар учрайди. Олимлар уларни бир ҳафта давомида кузатиб, 120 та буғу, 230 та жайрон ва 310 та оқ қуённи аниқлади.



Масаладаги сонли маълумотлардан фойдаланиб, тенгсизлик тузинг. Савол қўйиб, масалани ечинг.

7. Кесма қоғозлардаги ифодалардан фойдаланиб, тенгсизликлар тузинг ва ёзинг.

$4 \cdot 8$	$7 \cdot 4$	$5 \cdot 4$
$9 \cdot 4$	$9 \cdot 2$	
$12 : 2$	$12 : 3$	$18 : 9$



8. Сизнинг олдингизда учта топишмоқ хат турибди. Уларни кўчириб ёзиш давомида ҳар бирида сонлар йўқолиб кетган. Ҳар бир хатдаги сонларнинг жойлашиш қонуниятини аниқлаб, йўқолган сонларни айтинг.

2, 4, 6 \square , 10

360, 320, \square , 240, 200

\square , 222, 333, 444



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Жой рельефи



Сиз уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмларидан фойдаланишни ўрганасиз.

1. Ҳар бир қутидан исталган сонни танлаб олинг. Уч хонали сонлар тузинг. Уларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзинг.



2. Устун шаклида қандай ҳисобланганлигини кўриб чиқинг. Қўшиш ва айириш алгоритмини тушунтиринг.

$$\begin{array}{r} 432 \\ + 245 \\ \hline 677 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 677 \\ - 432 \\ \hline 245 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 1 \\ 437 \\ + 245 \\ \hline 682 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 10 \\ 682 \\ - 245 \\ \hline 437 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 1 \\ 472 \\ + 245 \\ \hline 717 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 10 \\ 547 \\ - 256 \\ \hline 291 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 1 \quad 1 \\ 475 \\ + 245 \\ \hline 720 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 9 \quad 10 \\ 504 \\ - 256 \\ \hline 248 \end{array}$$

Ҳар бир устунга алгоритм айтинг. Фарқи нимада?



... ёзаман
Бирликларни қўшаман ...
Ўнликларни қўшаман ...
Юзликларни қўшаман ...
Жавобни ўқийман ...

... ёзаман
Бирликларни айираман ...
Ўнликларни айираман ...
Юзликларни айираман...
Жавобни ўқийман...



У 6. Устун шаклида ҳисобланг.

$458 + 167$

$954 - 486$

$991 - 777$

$275 + 146$

$721 - 549$

$768 - 689$

$522 - 245$

$658 + 173$

$666 - 297$



7. Агар ўқувчи ифодаларнинг қийматини амаллар бўйича ҳисоблаган бўлса, у ҳолда у қандай ифоданинг қийматини топганини аниқланг.

а) ?

б) ?

в) ?

1) $24 : 6 = 4$

1) $225 + 175 = \square$

1) $523 - 247 = \square$


2) $320 + 4 = \square$

2) $\square - 289 = \square$

2) $\square + 345 = \square$



8. Саёҳатчи тоғдаги барча сўқмоқлардан юриб ўтди. Агар у битта йўл билан қайта юрмаган бўлса, у ҳолда ҳаммаси бўлиб неча метр йўл юрган.



Расм асосида саволлар тузинг ва дўстингизга беринг.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



10 Уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмлари

Жой рельефи



Сиз уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмларидан фойдаланасиз.



1. Берилган ифодаларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?

$$x + 65 = 900 - 654$$

$$965 - 452 = 513$$

$$a + 456$$

$$124 + 68 + 45$$

$$(56 + 654) - 451$$

$$47 < 123$$

$$k > 987$$

$$78 = 78$$

$$c - d + a$$

$$d - 456$$

Битта устунга сонли ифодаларни, иккинчисига эса ҳарфий ифодаларни ёзинг. Сонли ифодаларнинг қийматини топинг.

Ҳарфий
ифода

2. Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$246 \text{ см} = \square \text{ м } \square \text{ дм } \square \text{ см}$$

$$4 \text{ м } 3 \text{ дм } 7 \text{ см} = \square \text{ см}$$

$$72 \text{ см} = \square \text{ дм } \square \text{ см}$$

$$8 \text{ м } 6 \text{ дм} = \square \text{ см}$$

$$204 \text{ см} = \square \text{ м } \square \text{ см}$$

$$5 \text{ м } 7 \text{ дм} = \square \text{ дм}$$

$$2 \text{ дм } 4 \text{ см} = \square \text{ см}$$

$$5 \text{ дм } 8 \text{ см} = \square \text{ см}$$

3. Ифода тузиб, ёзинг. Уларнинг қийматини топинг.

а) 23 ва 3 нинг йиғиндисидан 430 сонини айиринг.

б) 250 сонига 360 ва 60 нинг айирмасини қўшинг.

в) 300 ва 320 нинг йиғиндисига 250 ни қўшинг.

г) 420000 ва 30000 нинг йиғиндисидан 200000 ни айиринг.

д) 700000 ва 230000 нинг айирмасига 40000 ни қўшинг.

М.и.

4. Ҳисобланг.

- а) $60 + 23$ $50 - 21$ $39 + 2$ $64 - 7$
 $560 + 23$ $750 - 21$ $390 + 20$ $640 - 70$
- б) $560 \text{ см} + 23 \text{ см}$ $750 \text{ см} - 21 \text{ см}$ $390 \text{ см} + 220 \text{ см}$
 $560 \text{ см} + 230 \text{ см}$ $750 \text{ см} - 210 \text{ см}$ $390 \text{ см} + 200 \text{ см}$

5. а) Масала шартига кўра ифода тузинг.

Севара дарё оқими бўйича a метр, Сардор эса b метр сузди. Севара Сардорга қараганда неча метр ортиқ сузди?

б) Масалани сонли маълумотлар билан тўлдириб, уни ечинг.

Севара

$a = 453 \text{ м}$



Сардор

$b = 815 \text{ м}$



6. Берилган сонларни бўш ўринларга навбат билан қўйиб, ифодалар ёзинг.

$458 + \square + 126$



Қулай ҳисоблаш усули ҳосил бўлиши учун яна қандай сонларни қўйиш мумкин?



7. Агар ўқувчи ечимни амаллар тартиби бўйича ёзган бўлса, у қандай ифоданинг қийматини топган?

\square

\square

\square

1) $15 + 12 = 27$

1) $5 \cdot 8 = 40$

1) $45 + 9 = 54$

2) $27 : 9 = 3$

2) $3 \cdot 8 = 24$

2) $28 : 7 = 4$

3) $40 - 24 = 16$

3) $54 + 4 = 58$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Жой рельефи



Сиз уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмларидан фойдаланасиз.

1. Матнни ўқинг.

Агар тепаликнинг солиштирма баландлиги 200 метрдан баланд бўлса ва унинг аниқ кўриниб турган ён бағирлари ва этаклари бўлса, у тоғ деб аталади.

Паст тоғларнинг баландлиги 500–800 м, баъзида 1000 м бўлади.



Матнда қандай сонлар учради? Уларни камайиш тартибидан айтинг. Ҳар бир сонда нечта юзлик бор?

2. Ҳисоблашларнинг қандай бажарилганлигига эътибор беринг:

а)

		1	1		
+	2	7	3		
	7	2	7		
	1	0	0	0	

Ёзаман...

Бирликларни қўшаман: $3 + 7 = 10$ – бу 1 ўнлик ва 0 бирлик. 0 ни ёзаман, 1 ўнликни эса ёдда сақлайман.

Ўнликларни қўшаман: $7 \text{ ўнл.} + 2 \text{ ўнл.} + 1 \text{ ўнл.} = 10 \text{ ўнл.}$ – бу 1 юзлик ва 0 ўнлик. 0 ни ёзаман, 1 юзликни ёдда сақлайман.

Юзликларни қўшаман: $2 \text{ юзл.} + 7 \text{ юзл.} + 1 \text{ юзл.} = 10 \text{ юзл.} = 1 \text{ минглик.}$ Буни юзликнинг чап томонига ёзаман.

Жавобини ўқийман: йиғиндининг қиймати 1000 га тенг.

б)

	9	9	10	
1	0	0	0	
	7	2	7	
	2	7	3	

Ёзаман...

Бирликларни айираман: 0 дан 7 ни айириш мумкин эмас.

1000 сонининг ўнлиги, юзлиги йўқ, 1 мингликни оламан. $1 \text{ минг.} = 9 \text{ юзл.} + 9 \text{ ўнл.} + 10 \text{ бирл.}$ $10 - 7 = 3$

Ўнликларни айираман: $9 \text{ ўнл.} - 2 \text{ ўнл.} = 7 \text{ ўнл.}$

Юзликларни айираман: $9 \text{ юзл.} - 7 \text{ юзл.} = 2 \text{ юзл.}$

Жавобини ўқийман: айирманинг қиймати 273.



3. Ҳисоблаб, дўстингиз билан бир-бирингизни текширинг.

$345 + 655$ $1000 - 645$ $802 + 198$



$782 + 218$ $1000 - 367$ $933 - 399$

$666 + 334$ $1000 - 443$ $1000 - 888$



4. Жадвал асосида ифода тузиб, уларнинг қийматини топинг.

Қўшилувчи	$70 + 30$	$200 + 200$	$192 - 6$
Қўшилувчи	60	$360 - 80$	250
Йиғиндининг қиймати			

5. Олимлар Балхаш кўлини ўрганишди. Биринчи куни улар кўлнинг 276 метрини сузиб ўтишди, иккинчи куни эса ундан 185 метр ортиқ сузишди. Улар икки кунда кўлнинг неча метрини сузиб ўтишган?



6. Қайси сон тушириб қодирилган?

$\cdot 5$

	20
	15
8	
	35

$: 3$

	2
27	
	5
9	

$: 4$

24	
	8
36	
	7

$\cdot 2$

5	
	14
9	
	12



7. Амалларнинг бажарилиш тартибини аниқланг. Ҳисобланг.

$(540 - 80) + (930 - 820)$ $320 + (860 - 660) + 120$

$(650 + 350) - (450 + 50)$ $1000 - (210 - 110) + 30$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Ўсимликлар дунёси




Сиз 1000 ичидаги сонларни устун шаклида қўшиб, айирасиз.


1. Сонларни ўқинг. Уларда нечта юзлик, ўнлик, бирлик бор? Сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзинг.



а)



б)



в)

2. Қандай ҳисобланганлигини тушунтиринг. Ҳисоблаш қулай бўлиши учун мингликларни юзликларга, ўнликларга ва бирликларга қандай ажратиш мумкин?

Мингликлар	Юзликлар	Ўнликлар	Бирликлар
	7	5	7
+	2	4	3
1	0	0	0

Мингликлар	Юзликлар	Ўнликлар	Бирликлар
	0	0	0
-	2	4	3
	7	5	7

М.и.

3. Мисолларнинг бир қаторини танланг. Ҳисобланг.

$$582 + 418$$

$$715 + 285$$

$$519 + 481$$

$$245 + 693$$

$$239 + 377$$

$$755 - 564$$

$$1000 - 826$$

$$1000 - 721$$

$$1000 - 173$$

М.и.

4. Масалани ечинг.

Сабзавот дўконида 455 кг сабзи ва 129 кг помидор бор эди. Сабзавотларнинг бир қанчаси сотилгандан кейин у ерда яна 245 кг сабзавот қолди. Неча килограмм сабзавот сотилган?



5. Сонлар қаторининг жойлашиш қонуниятини топиб, уларни давом эттиринг. Навбатдаги учта сонни айтинг.

254	250	246			
999	888	777			
500	450	400			



Қонуниятга кўра ҳар бир навбатдаги сон қандай ҳосил қилинади? Хулоса: ҳар бир навбатдаги сон маълум бир арифметик амални бажариш орқали ҳосил қилинади.



Сонлар қаторини қандай ҳосил қилиш мумкин:

1-қадам: Кетма-кет турган иккита соннинг айирмасини билиш: $254 - 250 = 4$.

2-қадам: Қаторнинг тузилиш қонуниятини аниқлаш: ҳар бир навбатдаги сон аввалги сондан 4 та кам.

3-қадам: Шу қонуният бошқа сонлар жуфти учун бажарилишини текшириш $250 - 246 = 4$. Қонуният бажарилди.

4-қадам: Шу қонуниятдан фойдаланиб, қаторнинг навбатдаги сонини аниқлаш: $246 - 4 = 242$ – навбатдаги сон.



Ўзингиз сонлар қаторини тузинг. Дўстингиздан қонуниятни аниқлашини илтимос қилинг.



6. Масалани ечинг.

а) Шаҳар хиёбонида 230 та терак бор, қайрағочлар сони ундан 125 та ортиқ. Шаҳар хиёбонида жами неча дарахт бор?

б) Экин майдонига 132 туп малина, ундан 50 туп кам қорағат, қорағатга қараганда 54 туп ортиқ қулупнай ўтқазилди. Экин майдонига неча туп қулупнай ўтқазилган?

в) Мажнунтолнинг баландлиги – 70 дм, қайрағоч – 120 дм, терак – 200 дм.

Мажнунтол теракдан неча дециметр паст?

Қайрағоч мажнунтолдан неча дециметр баланд?


Терак қайрағочдан неча дециметр баланд?



7. “Уй қуриш”. Ифодаларни дафтарингизга устун шаклида ёзинг.

Қурилиш плани

Уйларнинг томларидаги рақамлардан энг катта ва энг кичик уч хонали сонлар тузинг. Уларнинг айирмасини топинг.



8. а) Устун шаклида ёзиб, ҳисобланг.

$$354 + 247$$

$$455 + 545$$

$$1000 - 414$$

$$895 - 325$$

$$647 - 239$$

$$785 + 125$$

$$820 - 134$$

$$247 + 321$$

$$546 - 138$$

б) Тушунтириб ечинг. Текширинг.

$$325 + 168$$

$$900 - 214$$

$$138 + 678$$

$$729 + 235$$

$$568 + 410$$

$$810 - 217$$

$$548 + 325$$

$$975 - 135$$

$$346 + 475$$

9. Масалани ечинг.

Алмати қўриқхонасида ўсимликларнинг 970 та тури бор. Фарбий Алтай қўриқхонасида ундан 87 та кам ўсимлик тури бор. “Бурабай” давлат миллий табиий паркида Фарбий Алтай қўриқхонасига қараганда 126 та кам. “Бурабай” табиий паркида ўсимликнинг нечта тури ўсади?

10. Оғзаки ҳисобланг.

$$5\ 000 + 45\ 000$$

$$78\ 000 + 12\ 000$$

$$77\ 000 - 21\ 000$$

$$20\ 000 + 10\ 000$$

$$900\ 000 - 600\ 000$$

$$58\ 000 - 45\ 000$$


$$125\ 000 - 20\ 000$$

$$290\ 000 + 310\ 000$$

$$45\ 000 - 11\ 000$$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Қушлар



Сиз кўп хонали сонларни ёзишни, ўқишни, таққослашни билиб оласиз.

1. Расмга қаранг. Агар ҳар бир қуш шу хона бирлигининг сонини кўрсатадиган бўлса, қандай сон ҳосил бўлади? Ёзинг. Турли хил геометрик фигураларнинг ёрдамида ўз моделларингизни ўйлаб топинг.



2. а) Сонлар қаторининг тузилиш қонуниятини топинг ва сонлар қаторини давом эттиринг. Навбатдаги учта сонни айтинг.

20	22	25	29		
810	710	610			
515	525	535			





б) Қуйидаги сонлар қатори қандай тузилган.

9 90 900 9000 90 000 900 000

Худди шунга ўхшаш сонлар қаторини ўзингиз тузиб ёзинг.

3. Чизма асосида масала тузиб, уни ечинг.



М.и.

4. Устун шаклида ёзиб, ҳисобланг. Текширинг.

$576 + 152$

$428 - 173$

$467 + 242$

$907 - 222$

$456 + 138$

$927 - 453$

$233 + 471$

$506 - 444$



5. Қишда шаҳар хиёбонида болалар каптарларга дон беришди. 230 та қуш учиб кетгандан кейин унда 650 та қуш қолди. Дастлаб хиёбонда жами нечта қуш бўлган?



6. Орнитолог – қушларни ўрганувчи олим. Олимлар қушларни ўрганиш мақсадида уларнинг оёқларига ёзувлари бўлган халқалар тақишади. Бу йили 345 та қушга халқа тақилди, бу ўтган йилдагига қараганда 215 та ортиқ. Икки йилда олимлар жами нечта қушга халқа тақишган?



7. Ифодани турли хил ўқинг.

$420 - (350 - 50)$

$(360 - 290) + 420$

$700 - (190 + 210)$

“Сондан йиғиндининг қийматини айирамиз” деб қайси ифодани ўқиш мумкин?

8. Қулай усул билан ҳисобланг.

$250 + 170 + 150$

$580 + 240 + 120$

$560 + 230 + 170$

$360 + 270 + 340$

$390 + 250 + 110$

$270 + 180 + 50$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Табиатни муҳофаза қилиш




Сиз ифодаларни тузасиз ва ўқийсиз, уларнинг қийматини топасиз.

1. Матнни ўқинг.

Ғарбий Алтай қўриқхонасининг жониворлар дунёси балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар ва сут эмизувчилари билан машҳур. Қўриқхонада қушларнинг 191 тури мавжуд. Улардан: йирик ўрдак, дала буқтаргиси, оддий бургут, карқур, осие балиқчиси, қизилиштон, какку.



Балиқчи



Карқур




Какку



Дала буқтаргиси

Дафтарингизга сон нуруни чизинг. Сонни белгиланг. Ечимлар тўпламини қия чизиқлар билан чизинг. 191 дан кичик сонларнинг тартибини ёзинг. Шу сонлардан фойдаланиб, тенгсизликлар ёзинг.



М.и.

2. Ифодаларни ёзиб, уларнинг қийматини топинг.

420 сонини 220 ва 320 сонларининг йиғиндисига ортиринг.

700 ва 180 сонларининг йиғиндисидан 480 сонини айиринг.

640 ва 220 сонларининг айирмасини 530 ва 30 сонларининг йиғиндисига ортиринг.

800 сонидан 680 ва 220 сонларининг айирмасини айиринг.

3. Ифодани устун шаклида ёзиб, ҳисобланг.

$$459 + 238$$

$$781 - 649$$

$$579 + 209$$

$$900 - 317$$

$$401 - 345$$

$$198 + 745$$



4. Ҳисобламасдан таққосланг.

$$310 + 250 * 310 + 360$$

$$620 + 250 * 250 + 260$$

$$400 - 180 * 600 - 180$$

$$700 - 280 * 600 - 180$$



5. Жадвал асосида ифодалар тузиб ёзинг. Уларнинг қийматини топинг.

Қўшилувчи	$70 + 30$	$200 + 200$	$192 - 6$
Қўшилувчи	60	$360 - 80$	250
Йиғиндининг қиймати			

Камаювчи	1000	900	$450 + 90$
Айрилувчи	$500 + 120$	$600 - 300$	100
Айирманинг қиймати			



6. Матнни ўқинг. Саволларга жавоб беринг. Масалалар тузинг.



“Борсакелмас” қўриқхонаси Қизилўрда вилояти, Арал туманида жойлашган. У ерда ўсимликларнинг 278 тури мавжуд.



“Наврўзим” қўриқхонаси Қостанай вилояти, Наврўзим ва Ауликўл туманида жойлашган. У ерда ўсимликлар сони “Барсакелмас” қўриқхонасидагидан 409 та ортиқ.

“Наврўзим” қўриқхонасида ўсимликларнинг нечта тури бор? Иккаласида-чи?

7. Жадвал бўйича тенглама тузиб, уни ечинг.

Қўшилувчи	320		780
Қўшилувчи		87	
Йиғиндининг қиймати	650	587	800

Камаювчи	840		350
Айрилувчи		330	
Айирманинг қиймати	310	560	50

8. Сонлар қаторидаги қонуниятни топиб, уни давом эттиринг.
Навбатдаги учта сонни айтинг.

202	303	404			
110	220	330			

9. Сонли ифода тузиб, уларнинг қийматини топинг.



540000 сонига 320000 ва 120000 сонларининг йиғиндисини қўшинг.
600000 ва 120000 сонларининг йиғиндисидан 420000 сонини айиринг.

540000 ва 120000 сонларининг айирмасига 420000 ва 20000 сонларининг йиғиндисини қўшинг.

900000 сонидан 580000 ва 120000 сонларининг айирмасини айиринг.



Тузилган ифодалардан қайси бири чизмага мос келади?
Тўлдириб ёзинг.



10. Сонли ифодаларнинг қийматлари бўйича жадвалдаги сўзни топинг.

$430 - 410 = \square$

$525 - 515 = \square$

$900 - 899 = \square$

$820 - 819 = \square$

$581 - 579 = \square$

$410 - 391 = \square$

$326 - 316 = \square$

$338 - 320 = \square$

$679 - 678 = \square$

$999 - 998 = \square$

$740 - 720 = \square$

$694 - 679 = \square$

$425 - 410 = \square$

$485 - 481 = \square$

А	Б	В	Г	Д	Е	Ё	Ж	З	И	Й
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

К	Л	М	Н	О	П	Р	С	Т	У	Ф
12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22

Х	Ц	Ч	Ш	Ъ	Ь	Э	Ю	Я	Ў	Қ	Ғ	Ҳ
23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Мен ўз ютуқларимни текшираман

БИЛИШ

Уч хонали сонлар билан тўла мингликларни ёзишни ва таққослашни биламан.

Матнда учраган сонларни ўсиш тартибида жойлаштиринг.

“Наврўзим” давлат табиат қўриқхонасида қушларнинг икки юз саксон икки тури яшайди. Йил сайин март ойининг охирида бу ерга беш мингдан ортиқ қарғалар учиб келади. Қўриқхонада доимо кузатишлар олиб борилади. Бу йили қўриқхонага икки юз қирқ учта олим ва беш юз ўттиз тўққизта талаба келди. Сўнгги беш йилда бир юз ўттиз беш мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари экскурсияга келишди.

ТУШУНИШ

Содда тенгсизликнинг ечимлар тўпламини топишни тушунаман.

Сонлар нурида сонни белгиланг. Ечимлар тўпламини қия чизиқлар билан кўрсатинг. Ечимлар тўпламига тегишли бўлган 5 та сон ёзинг.

$$x > 212$$

$$x < 192$$

ҚЎЛЛАШ

Уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмидан фойдалана оламан. Сонларни оғзаки қўшиб, айираман.

Оғзаки ҳисоблаб, тўғрилигини текширинг.

$$358 - 258$$

$$250 - 50$$

$$150 + 40$$

$$98 + 102$$

Устун шаклида ҳисоблаб, тўғрилигини текширинг.

$$900 - 568$$

$$1000 - 649$$

$$259 + 456$$

$$551 + 264$$

$$800 - 456$$

$$602 + 349$$

АНАЛИЗ

Сонлар қаторидаги қонуниятни топа оламан.

Қонуниятни аниқланг. Қатордаги учта сонни давом эттиринг.

303	340	377			
560	520	480			

СИНТЕЗ

Икки ҳарфдан ташкил топган сонли ифоданинг қийматини берилган қийматлари бўйича топа оламан.

Икки ҳарфдан ташкил топган сонли ифоданинг қийматини берилган қийматлари бўйича топинг.

$$c + (b - 400)$$

$$(b + 400) - c$$

$$c = 230$$

$$b = 920$$

$$c = 80$$

$$b = 120$$

БАҲОЛАШ

Қавслар билан берилган ифодаларни ўқиш ва ёзишда қўшиш ва айириш компонентларининг номидан ўринли фойдаланаман.

Оқила ифода билан унинг ёзилишини тўғри боғлаганми? Текширинг. Хатоликларни тўғриланг.

Йиғиндига айирмани қўшган

$$(250 + 250) + (900 - 400)$$

Сондан йиғиндини айирган

$$200 + (840 - 140)$$

Сонга сонларнинг айирмасини қўшган

$$900 - (120 + 200)$$

1В БЎЛИМ. КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

16

**Кўпайтириш ва бўлиш амалларини бажаришда
1 сонинг хоссаси**

Қозоғистон табиати ёзувчилар асарларида



Сиз 1 га кўпайтириш ва бўлишни ўрганасиз.

1. Ўзаро боғлиқ бўлган ифодаларни тўғри топсангиз асарнинг муаллифи ва асар номини билиб оласиз.



$b \cdot a = c$
Муқанов

$15 : 3$
туялар

$3 \cdot 5$
Геннадий

$15 : 5$
Рақси

$c : b = a$
дала

$c : a = b$
Бепоён



$5 \cdot 3$
Снегирёв

$a \cdot b = c$
Сабит



2. а) Ҳисобланг. Хулоса чиқаринг.



$$1 \cdot 5 = 1 + 1 + 1 + 1 + 1$$

$$= \square$$

$$1 \cdot 3 = 1 + 1 + 1 = \square$$

$$1 \cdot a = a$$

б) Кўпайтириш ва бўлишга доир ўзаро боғлиқ бўлган иккита тенглик тузинг. Хулоса чиқаринг.

$1 \cdot 5 = \square$

$1 \cdot 4 = \square$

$5 \cdot 1 = \square$

$4 \cdot 1 = \square$

$5 : 1 = \square$

$\square : 1 = \square$

$5 : 5 = \square$

$\square : 4 = \square$

$$a \cdot 1 = a$$

$$a : a = 1$$

$$a : 1 = a$$



Агар кўпайтувчилардан бири бирга тенг бўлса, у ҳолда кўпайтма иккинчи кўпайтувчига тенг бўлади.



Агар сонни шу соннинг ўзига бўлса, у ҳолда 1 чиқади.

3. Оғзаки тушунтириб ҳисобланг.

$1 \cdot 6$	$15 \cdot 1$	$9 : 9$	$1 \cdot 78$
$35 \cdot 1$	$15 : 15$	$28 : 28$	$40 \cdot 1$



4. С.Бабенконинг “Туетас” ҳикоясида қандай овуллар ҳақида айтилган? 1 сонига кўпайтиришдан тузилган ифодаларни топсангиз, жавобини билиб оласиз.

$1 \cdot 5$ Амансой	$1 \cdot 3$ Қизилсой	$6 + 3$ Боралдай	$9 \cdot 1$ Туетас
$3 + 5$ Қоратол	$8 \cdot 1$ Бурабой	$4 \cdot 2$ Оқсой	$9 : 9$ Балхаш

5. Масалаларни ечинг.

- Ўқувчилар М.Алимбаевнинг шеърини ёдлашди. Битта шеърни ёдлаш учун Алишер 15 минут, Собир ундан 9 минут ортиқ вақт сарфлади. Сардор эса Собирга қараганда 3 минут кам вақт сарфлади. Сардор шеърни неча минутда ёд олган?
- Табиат ҳақидаги шеърларни ифодали ўқиш конкурсига 1000 та талабнома тушди. Улардан 209 таси – учинчи синфлардан, 358 таси – иккинчи синфлардан, қолгани – тўртинчи синф ўқувчиларидан. Тўртинчи синф ўқувчиларидан тушган талабномалар сони нечта?
- Мусобақада ҳар бир иштирокчига 5 минут вақт берилди. 9 та иштирокчини тинглаш учун неча минут вақт керак бўлади?
- Ўқувчилар “Қозоғистоннинг табиати” кўрғазмаси учун расм чизишди. 120 та дарёларнинг, 245 та тоғларнинг, 198 та жониворларнинг расми чизилди. Ўқувчилар кўрғазмага жами нечта расм чизишган?

Кўпайтириш ва бўлиш амалларини бажаришда
0 нинг хоссаси. Сонни 0 га бўлиш мумкин эмаслиги

Қозоғистоннинг табиати ёзувчилар асарларида



Сиз кўпайтириш ва бўлишдаги 0 нинг хоссасини
харфий тенгликлар орқали ёзиб ўрганасиз.

1. Қиймати бир хил бўлган тенгликларни топиб, ёзувчиларнинг қандай шеър ёзганини аниқланг.



М. Алимбаев
 $9 \cdot 1$

Ватан $3 \cdot 3$



С. Сейфуллин
 $24 : 4$

Эҳ, далам менинг! $5 \cdot 1$



С. Мауленов
 $25 : 5$

Кўкчатов $6 : 1$

2. а) Ҳисобланг. Хулоса чиқаринг.

$$0 \cdot 5 = 0 + 0 + 0 + 0 + 0 = \square$$

$$0 \cdot 3 = 0 + 0 + 0 = \square$$

$$0 \cdot a = 0$$

- б) Ўзаро боғлиқ бўлган тенгликлар қандай тузилган?

$$0 \cdot 5 = 0$$

$$0 \cdot 4 = 0$$

$$5 \cdot 0 = 0$$

$$4 \cdot 0 = \square$$

$$a \cdot 0 = 0$$

$$0 : 5 = 0$$

$$0 : 4 = \square$$



Кўпайтувчиларнинг бири 0 га тенг бўлса, кўпайтманинг қиймати ҳам 0 га тенг бўлади.

$0 : a = 0$, чунки $a \cdot 0 = 0$
Агар 0 ни сонга бўлса, у ҳолда 0 ҳосил бўлади.

~~$a : 0$~~ = **СОННИ 0 ГА БЎЛИШ МУМКИН ЭМАС!**



3. Кесма қоғоздаги ифодалардан фойдаланиб, тўғри тенглик ва тенгсизликлар тузинг.

$1 \cdot 5$		$1 \cdot 3$		$3 \cdot 1$
	$3 : 3$		$0 \cdot 6$	
$0 : 5$		$8 \cdot 0$		$9 : 9$



4. Ифодани ўқинг. Ҳисобланг.


$32 : 8 + 6 \cdot 0$	$12 + 3 : 3$	$400 - 9 \cdot 1 + 210$
$0 \cdot (459 - 455) : 2$	$18 : 3 + 0 : 2$	$3 \cdot (789 - 780) + 89$

5. Масала шартига савол беринг.

а) Хиёбонга 24 та терак кўчати учта қаторга тенг бўлиб ўтказилди ...?



б) Чизмадан фойдаланиб, тескари масала тузинг.



6. Тенгламаларни ечинг.

$a \cdot 5 = 0$	$c : 6 = 2$	$45 : x = 1$
-----------------	-------------	--------------



7. Биринчи мисолларни ечинг. Уларнинг жавобидан фойдаланиб, шу устундаги қолган мисолларнинг жавобини тез топинг.

$(450 + 40) - 280$	$600 - (100 + 80)$	$(310 + 90) \cdot 1$
$(460 + 40) - 280$	$600 - (100 + 60)$	$(310 + 60) \cdot 1$
$(470 + 40) - 280$	$600 - (100 + 40)$	$(310 + 30) \cdot 1$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



0 ва 1 сонлари ёрдамида амаллар бажаринг.
Қавсли ифодаларнинг қийматини топиш

Қозоғистоннинг табиати ҳақидаги афсоналар



Сиз кўпайтириш ва бўлишда 0 ва 1 нинг хоссаларидан фойдаланасиз, ифодаларнинг қийматини топасиз ва ўқийсиз, мисоллар ечасиз.



1. Ифоданинг қийматини топинг, натижада сиз фотосуратларнинг қандай афсонага боғлиқ равишда олинганини билиб оласиз.

Или
300

Бура тоғи
560

Қоратол
300



$$1000 - (580 + 120) \quad 930 - (1000 - 370) \quad 120 + (1000 - 560)$$

М.и.

2. Кесма қоғозлардаги ифодалардан фойдаланиб, жуфт-жуфтдан тўғри тенглик ва тенгсизлик тузинг.

а)

$1 \cdot 5$		$1 \cdot 3$		$9 : 9$
	$3 + 5$		$8 \cdot 1$	
$3 : 3$		$6 + 3$		$3 - 3$

б)

$5 \cdot 1$		$1 \cdot 2$		$3 \cdot 3$
	$0 : 5$		$8 \cdot 0$	
$4 : 4$		$0 \cdot 6$		$9 - 9$

3. Ифодалардаги амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлаб, уларнинг қийматини топинг.

а)

$26 + 12 : 6$	$(130 - 25) \cdot 2$	$5 \cdot 4 + 36 : 9$
$200 - 7 \cdot 2$	$2 \cdot (116 - 112)$	$12 - 4 + 2 \cdot 3$

б)

$24 : 4 - 4$	$630 - 120 + 240$	$(14 + 6) : 2 + 560$
$18 : 6 \cdot 2$	$630 - (120 + 240)$	$200 + 4 \cdot (2 + 3)$



4. Оғзаки тушунтириб, ҳисобланг.

а) $1 \cdot 9$	$1 \cdot 4$	$5 : 5$
$73 \cdot 1$	$8 : 8$	$23 : 23$
$5 \cdot 1$	$6 : 6$	$23 \cdot 1$



б) $8 \cdot 0$	$53 : 53$	$25 \cdot 0$	$22 \cdot 1$
$0 : 6$	$0 \cdot 19$	$18 : 18$	$22 : 22$



5. Ўзаро боғлиқ сонларни топинг.
Тенгликлар тузинг.

1 2 3 4 5	2 3 4 5	12 15 16 18 21
6 7 8 9		25 32 40 45

$\square \cdot \square = \square$

$\square : \square = \square$

6. Қисқа ёзув бўйича масала тузинг, уни ечинг.

а) Мурод – 8 та бетдан 6 та ҳикоя
Комила – 7 та бетдан 9 та ҳикоя \curvearrowright ? бет ортиқ

б) Бор эди – 9 та бетдан 4 та ҳикоя ва 6 та бетдан 3 та эртак
Ўқилди – 50 та бет
Қолди – ? та бет



7. Боғда квадратсимон иккита экин майдонига хўжағат (малина) ўтқазилган. Сиз уларни периметр бўйича сим билан ўраши- нгиз керак. Агар ҳар бир экин майдонининг узунлиги 5 метр- га тенг бўлса, у ҳолда сизга неча метр сим керак бўлади?



8. Агар ўқувчи ифодаларнинг қийматини амаллар бўйича бажарган бўлса, у ҳолда у қандай ифоданинг қийматини топганини аниқланг.

а) $\square ?$	б) $\square ?$	в) $\square ?$
1) $18 : 3 = 6$	1) $35 - 23 = \square$	1) $27 : 3 = \square$
2) $500 + 6 = 506$	2) $12 : 2 = \square$	2) $5 \cdot 9 = \square$



Дарс мавзуси бўйича топши- риқлар ва саволлар тузинг.



Қозоқ мақоллари



Сиз масала бўйича ифода тузишни ўрганасиз.

1. Сонларни камайиш тартибида ёзиб, мақолларни ўқинг.



Масаланинг ечимини амалларнинг бажарилиш тартиби бўйича ва ифода кўринишида ёзиш мумкин.

Масала бўйича ифода

2. Масалани ўқинг.

Ўқитувчи ҳар бирида 6 тадан табиат манзараси бўлган 5 та фотосуратлар тўпламини олиб келди. Жониворларнинг фотосурати эса ундан 5 та ортиқ. Жониворларнинг фотосуратини 7 та партага ёйиб қўйди. Ҳар бир партага нечта фотосуратдан қўйилган?

Масаланинг амаллар бўйича қандай ечилганига эътибор беринг:

- 1) $6 \cdot 5 = 30$ (дона) – табиат манзарасининг фотосурати.
- 2) $30 + 5 = 35$ (дона) – жониворларнинг сурати.
- 3) $35 : 7 = 5$ (дона) – ҳар бир партадаги жониворларнинг фотосурати.

Қайси амал биринчи, иккинчи, учинчи бажарилади?

Қуйидаги ифодаларни кўриб чиқинг. Амалларнинг бажарилиш тартибини кўрсатинг. Уларнинг қайсилари берилган мисолга мос келишини аниқланг.

$$(6 \cdot 5 + 5) : 7$$

$$(6 + 5 \cdot 5) : 7$$



3. Масалаларга ифода тузиб, уларни ечинг.

- а) Бир китобда 20 та бет, иккинчисиди 12 та бет бор. Ҳар куни 4 бетдан ўқилса, шу иккита китобни неча кунда ўқиб бўлиш мумкин?
- б) Болалар кутубхонасида 145 та жониворлар ҳақида, ундан 423 та ортиқ эртақлар китоби бор. Болалар кутубхонасида неча эртақлар китоби бор?
- в) Тўпламда 18 та қозоқ халқ эртаги ва ундан 2 марта кам рус халқ этаклари бор. Тўпламда жами неча қозоқ ва рус халқ этаклари бор?



- г) Мактаб кутубхонаси биринчи куни 60 та китоб берди, иккинчи куни бундан 27 та кам, учинчи куни эса иккинчи кунга қараганда 12 та ортиқ китоб берди. Кутубхоначи учинчи куни болаларга неча китоб берган?

4. Сонларни ўсиш тартибида ёзиб, мақолни ўқинг.



Ўз мақолингизни худди шундай кўрсатинг.

5. Ифодаларни устун шаклида ёзинг ва ҳисобланг.

$$(1000 - 360) - (890 - 375)$$

$$781 - (594 - 546) - 138$$

$$(900 - 738) + (469 + 37)$$

$$376 + (434 - 254) + 329$$



6. Агар ўқувчи ифодаларнинг қийматини амаллар бўйича топган бўлса, у ҳолда у қандай ифоданинг қийматини топганини аниқланг?

?

?

?

1) $13 + 15 = 28$

1) $6 \cdot 3 = 18$

1) $45 + 9 = 54$

2) $28 : 4 = 7$

2) $3 \cdot 8 = 24$

2) $12 : 2 = 6$

3) $18 + 24 = 42$

3) $54 + 6 = 60$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Оила қадриятлари



Сиз масала бўйича ифодалар тузасиз.

1. а) Сонларни ўсиш тартиби билан жойлаштириб, мақолни ўқинг.

Сиз
69



ака-укага
969

биз
99



деган
699

Сўз
966

йили
906

ярашар
999

- б) Сонларни камайиш тартибида жойлаштириб, мақолни ўқинг.

Яхши
999000

ириси
900000



элнинг
909000

Сўз
9000

деган
99

Инсон
990000

яхши
90000

ярашар
900

М.и.

2. Масалани ифода тузиб ишланг.

- а) Онаси сутни 200 тенгега, сузмани 420 тенгега, қатиқни 345 тенгега сотиб олди. Онаси ҳамма сотиб олинган нарсаларга қанча пул тўлаган?
- б) Дадаси 9 тенгедан 5 та дафтар ва 400 тенгега альбом сотиб олди. У сотувчига 1000 тенге берди. Сотувчи дadasига неча тенге қайтим қайтаради?



3. Қисқа ёзувни тўлдириб, масала тузинг.

Малина – 5 кг дан яшик
 Қорағат – 4 кг дан ящик } ? кг



4. Масалани ечинг.

а) Сотувчи 9 та харидорга 3 кг дан мандарин ўлчади. Сотувчи жами неча килограмм мандарин ўлчаган?

б) 40 дона шар d қутига тенг бўлиб солинди. Нечта қути керак бўлди?



5. Ифода тузинг ва қийматини топинг.


- 219 сонига 589 ва 130 нинг айирмасини қўшинг.
- 678 ва 98 нинг йиғиндисидан 517 сонини айиринг.
- 900 сонидан 859 ва 214 сонларининг айирмасини айиринг.



6. Ҳар бир фигура неча квадратдан ташкил топган?



Катак дафтарга ўзингиз фигура чизинг. Катакларни қандай қулай ҳисоблаш мумкинлигини ёзинг.



7. Агар ўқувчи ифодаларнинг қийматини топган бўлса, амаллар бўйича унинг қайси ифодани ҳисоблаганини топинг?

<input style="border: 1px solid black; width: 100px; height: 20px;" type="text" value="?"/>	<input style="border: 1px solid black; width: 100px; height: 20px;" type="text" value="?"/>	<input style="border: 1px solid black; width: 100px; height: 20px;" type="text" value="?"/>
1) $157 - 130 =$	1) $5 \cdot 7 = 35$	1) $9 \cdot 5 = 45$
27	2) $3 \cdot 8 = 24$	2) $12 : 2 = 6$
2) $27 : 3 = 9$	3) $35 - 24 = 11$	3) $45 + 6 = 51$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Оила қадриятлари



Сиз “юз”нинг нима эканлигини, унинг ўлчов birlikларини ва юзни палетка ёрдамида ўлчашни ўрганиб оласиз.




1. Хонанинг планига қаранг.




- Меҳмонхонанинг периметрини топинг.
- Коридорнинг периметрини топинг.
- Коридорнинг бўйи энидан қанча ортиқ?
- Меҳмонхона эшигининг эни 1 м бўлса, у ҳолда қурувчиларга неча метр плитус керак бўлади?



2. Кичкина уйча неча квадратдан ташкил топган? Катта уйчи? Қайси уй қоғоз сиртида оз ўрин эгаллаб турибди?





3. а) Йўлакнинг берилган бўлагига плитка ётқизиш учун нечта плитка керак бўлади?




б) Йўлакка ётқизиш учун нечта плитка керак?

Юз




4. а) Стол устидаги фигураларнинг қайсиси кўп ўрин олади?




Фигураларни устма-уст қўйганда бир фигура бошқа фигуранинг ичига сиғиб кетса, шу фигуранинг юзи кичик бўлади.

б) Тўғри тўртбурчак билан доирани, учбурчак билан квадратни таққосланг.



1.



2.


Квадрат
сантиметр
 см^2




Юз ўлчов бирлиги – квадрат сантиметр (1 см^2).



5. а) Юзни ўлчаш учун унга нечта квадрат сиғишини билиш керак.



б) Берилган фигураларнинг юзини топинг. Бунинг учун аввал тўла квадратларни санаб, тўла бўлмаган квадратларнинг сонини 2 га бўлиб, ҳосил бўлган натижаларни бир-бирига қўшиш керак.



Квадрат сантиметрларда берилган шаффоф пленка палетка деб аталади. Унинг ёрдамида фигураларнинг юзини топиш мумкин.

$$S = a + b : 2$$

Бунда a – тўла квадратлар сони,
 b – тўла бўлмаган квадратлар сони.



Ўзингиз палетка ясаб олинг. Рангли қоғозлардан кесиб оlingан фигураларнинг юзини топинг.



6. Фигура чизинг. Унинг юзини палетка ёрдамида аниқланг.

7. Оилавий қадриятларга нима мисол бўла олади? Ифоданинг қийматини топиб, ўз жавобингизни текширинг. 50 дан катта жавобларнинг ҳаммаси тўғри.

ҳурмат
 $36 : 4 + 5 \cdot 9$

яхши уй
 $65 - (15 : 3 + 20)$

муҳимлик туйғуси
 $18 : 3 + 5 \cdot 9$


муносабат
 $36 : 1 + 4 \cdot 9$

масъулият
 $65 - (15 : 3 + 5)$

кечиримлилик
 $36 + (1 + 4) \cdot 9$

урф-одат
 $50 + (1 + 0) \cdot 9$

авлод
 $30 + (25 : 5 - 2)$



8. Ҳисобланг.

$32 : 8 + 7 \cdot 5$

$7 \cdot 5 - 7 \cdot 4 + 360$

$675 + 25 - 5 \cdot 7$

$36 : 9 + 4 \cdot 6$

$905 - (25 + 15) : 8$

$(7 + 21) : 7 + 100$



9. Тоҳир, Асал, Мадина онасига ёрдам беришди. Уйни чангсўрғич билан тозалашди, идиш ювишди, боғчани суғоришди. Тоҳир идиш ювмади ва боғчани суғормади. Асал ҳам идиш ювгани йўқ. Болалардан ҳар бири нима иш қилишди?



10. Ўз хонангизнинг планини чизинг. Унинг периметрини топинг.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Меҳнатнинг инсон ҳаётидаги ўрни



Сиз турли хил юзларни таққослашни, катталикларнинг қийматлари билан берилган амалларни бажаришни ўрганасиз.

1. Расмда кўрсатилган ҳар бир жойни тўлдириш учун нечта плитка керак?




$$1 \text{ дм}^2 = 100 \text{ см}^2$$

$$1 \text{ м}^2 = 100 \text{ дм}^2 = 10\,000 \text{ см}^2$$

2. Катта юзлар каттароқ ўлчов бирликлари билан ўлчанади.

а) Дафтарингизга томони 10 см ёки 1 дм бўлган квадрат чизинг. Бу – квадрат дециметр (1 дм^2). Шу квадратнинг юзини палетка ёрдамида топинг.


б) Севаранинг хонасидаги полга томони 1 м бўлган квадратсимон гилам тўшалган. Бу – квадрат метр (1 м^2).



10 м



Халқимиз далаҳовли ва боғларни “сотихларда” ўлчайди. Расмга қаранг. Юзнинг бу ўлчов бирлиги нима учун бундай аталлишини биласизми?





10 м

Юз.
Ўлчов
бирликлари

3. Муҳандис-конструктор 1 квадрат метр билан 1 квадрат дециметрнинг кичрайтирилган чизмасини чизди.

1 квадрат дециметрда неча квадрат сантиметр бор эканлигини ҳисобланг. Томонининг узунлиги 1 м бўлган квадратга томони 1 дм бўлган квадрат сиғадими? Томони 1 дм бўлган нечта квадрат сиғади?



4. Ҳисобланг.

а) $5 \text{ м}^2 + 45 \text{ м}^2$

$35 \text{ м}^2 : 7$

$35 \text{ м}^2 + 29 \text{ м}^2$



б) $9 \text{ м}^2 \cdot 4$

$500 \text{ м}^2 - 235 \text{ м}^2$

$3 \text{ дм}^2 + 506 \text{ дм}^2$

5. Масалани ифода кўринишида ёзиб, уни ечинг.

а) Сотувчи 3 та харидорга 5 кг дан, тўртинчисига эса 15 кг картошка ўлчади. Сотувчи жами неча килограмм картошка ўлчади?

б) Қутида 25 кг конфет бор. Конфет 5 та қоғоз халтанинг ҳар бирига 2 кг дан солинди. Қутида неча килограмм конфет қолди?

в) Мактаб ошхонасида 4 та столнинг ҳар бирига 8 тадан стул ва 1 столга 12 та стул қўйилган. Ошхонада бир вақтда жами нечта бола овқатлана олади?



Масалалардаги сонларни a ва b ҳарфлари билан алмаштинг. Яна ифода тузиб кўринг.

6. Қулай усул билан ҳисобланг.

$23 + 89 + 77$

$223 + 389 + 277$

$123 + 289 + 177$

$44 + 78 + 56$

$144 + 578 + 256$

$544 + 278 + 156$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Меҳнатнинг инсон ҳаётидаги роли



Сиз юзларни таққослаб, катталикларнинг қийматлари ёрдамида амаллар бажарасиз.


1. Ушбу юзага нечта плитка сиғишини ҳисобланг.




М.и.

2. Фигураларнинг юзини топинг.

а) Қаторлар билан сананг. Тўғри тўртбурчакда (квадратда) нечта қатор бор? Ҳар бир қаторда нечта катак бор? Тўғри тўртбурчакнинг (квадратнинг) юзи нечага тенг?



б) Устунлар билан сананг. Тўғри тўртбурчакда (квадратда) нечта устун бор? Ҳар бир устунда нечта катак бор? Тўғри тўртбурчакнинг (квадратнинг) юзи нечага тенг? Ёзинг ва ҳисоблашларни таққосланг.



3. Ҳисобланг.

$$60 \text{ см}^2 + 452 \text{ см}^2 \quad 5 \text{ га} \cdot 8 \quad 21 \text{ дм}^2 : 7 \quad 800 \text{ м}^2 - 535 \text{ м}^2$$

4. Масалани ифода кўринишида ёзиб, уни ечинг.

- а) AB кесманинг узунлиги – 6 см, CD эса – 18 см. Бири иккинчисидан неча марта узун?
- б) AB кесманинг узунлиги – 5 см, CD эса – 15 см. CD кесма AB кесмадан неча сантиметр узун?





5. Масаланинг қисқа ёзувини сонли маълумотлар билан тўлдириб, масала тузинг.

Помидор – кг дан яшик
 Бодринг – кг дан яшик } ? кг



6. (а) расмдаги полни тўлдириш учун ишчиларга неча жигарранг плитка керак? (б) расмдагига-чи?



Агар 1 плитканинг юзаси 1 дм² бўлса, у ҳолда жигарранг плитка ётқизилган ҳар бир полнинг юзи қанча бўлади.

7. Ҳисобланг. Таққосланг.

$$3 \text{ м}^2 \cdot 6 * 25 \text{ м}^2 - 7 \text{ м}^2$$



$$56 \text{ м}^2 + 34 \text{ м}^2 * 9 \text{ м}^2 \cdot 5$$

$$96 \text{ м}^2 - 28 \text{ м}^2 * 35 \text{ м}^2 : 7$$

$$18 \text{ м}^2 : 2 * 9 \text{ м}^2 \cdot 3$$



8. Ҳар бир гулзорнинг периметрини топинг. Гулчи ҳар бир гулзорни ғов билан ўрамоқчи бўлди. Бунинг учун узунлиги қандай бўлган ғов тайёрлаш керак?



9. Ҳисобламасдан ҳар бир устундаги ифоданинг қиймати бир хил деб айтиш мумкинми?

$$3 \cdot 7 + 3 + 15$$

$$4 \cdot 7 + 28$$

$$7 \cdot 3 + 3 + 15$$

$$7 \cdot 4 + 28$$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Менинг сарф-харажатларим



Сиз 2-3 амалли масалаларни ечасиз.


1. Жадвал бўйича масала тузиб, уни ечинг.

Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
9 тенге	3 та	? тенге
5 тенге	? та	30 тенге
? тенге	6 та	24 тенге




Сотиб олинган нарсанинг сонини билиш учун нарсанинг умумий баҳосини унинг баҳосига бўлиш керак.

$$с = \text{У.б.} : б$$



Нарсанинг умумий баҳосини билиш учун нарсанинг баҳосини унинг сонига кўпайтириш керак.

$$\text{У.б.} = б \cdot с$$



Нарсанинг баҳосини билиш учун нарсанинг умумий баҳосини унинг сонига бўлиш керак.

$$б = \text{У.б.} : с$$




2. “Дўкон” ўйини. Сиз дўконга келдингиз. Ҳар бир сотиб олинган нарсанинг умумий баҳосини аниқланг. Жадвал бўйича масала тузинг.



9 тенгедан 5 та дафтар	7 тенгедан 4 дафтар қоплағичи	8 тенгедан 2 та очиқ хат
8 тенгедан 3 та чизғич	8 тенгедан 4 та хатчўп	10 тенгедан 5 та ўчиргич



3. Масалалар тузинг.




4. 500 тенгега нима сотиб олган бўлар эдингиз?



Ўйинчоқ пуллардан фойдаланиб, “Дўкон” ўйинини ўйнанг.



5. Масалалар тузинг.



6. Ҳисобланг.

$$(25\ 000 - 5\ 000) + 12\ 000$$

$$25\ 000 - (5\ 000 + 12\ 000)$$

$$56\ 000 + (20\ 000 - 16\ 000)$$


$$80\ 000 - (35\ 000 - 30\ 000)$$

$$(80\ 000 - 35\ 000) - 30\ 000$$

$$(56\ 000 + 20\ 000) - 16\ 000$$



7. 8 та бир хил тийиндан бири қалбаки, бироқ у бошқасига қараганда енгил. Энг кам ўлчашлар бажариш орқали қалбаки тийинни қандай топиш мумкин?



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Жониворлар – бизнинг дўстимиз



Сиз икки тўпламнинг бирлашмаси ва кесишмасини белгилашни, тузишни, тасвирлашни ўрганасиз.

1. Саволларга жавоб беринг.




Тўпламларнинг
бирлашмаси
ва кесишмаси

- Кичик айланадан ташқарида нечта нуқта ётибди?
- Кичик айланадан ташқарида ва катта айланадан ташқарида нечта нуқта ётибди?
- Катта айлана ва кичик айланаларнинг ичида нечта нуқта ётибди?

Расм асосида саволлар ўйлаб топинг ва уни дўстингизга беринг.



2. 3 га ва 4 га бўлинадиган сонлар ёзилган кесма қоғозлар тайёрланг. Иккита халқани расмдаги каби столнинг устига қўйинг. Унинг чап томонига 3 га бўлинадиган сонлар тўплами, ўнг томонига 4 га бўлинадиган сонлар тўплами ёзилган кесма қоғозларни қўйинг.




A – 3 га бўлинадиган
сонлар тўплами.

B – 4 га бўлинадиган
сонлар тўплами.


3 га ва 4 га бўлинадиган сонлар тўпламини айтинг. Улар қаерда жойлашган?



Агар тўпламларнинг номланишида “ва” деган сўз ишлатилса, у ҳолда унинг ҳар бир элементи иккита тўпламнинг кесишмасида (иккита айлананинг умумий қисмида) жойлашиши керак. \cap – бу тўпламларнинг кесишма белгиси.



Энди 3 га бўлинадиган ёки 4 га бўлинадиган сонларни айтинг.



Агар тўпламларнинг номланишида “ёки” сўзи ишлатилса, у ҳолда унинг ҳар бир элементи исталган иккита тўпламнинг бирида жойлашиши мумкин \cup – бу тўпламларнинг бирлашма белгиси.





3. Қушларнинг номини ўқинг. Улар қайси айланада жойлашган? Ҳайвонларнинг номини ўқинг. Улар қайси айланада жойлашган? Уча оладиган жониворларнинг номини ўқинг. Улар қаерда жойлашган?



Ўзингиз худди шундай тўплам тузинг. Тўпламлар кесишмасини номланг.



4. Расмдан тўплам элементларини топиб, айлана ичига фигура кўринишида жойлаштиринг. Фигуранинг ичига ҳар бир сўзнинг биринчи ҳарфини ёзинг.



Жониворлар тўплами



Ҳайвонлар




Қушлар



Балиқлар




Ўсимликлар




Қарағай



Чағалай



Зоғора балиқ



Айсберг



Чумоли




Мойчечак



Тулки



Дарё




Жирафа



5. Сонларни ўқинг: 2, 47, 16, 8, 17, 32, 6, 53.

Кесишувчи иккита айлана чизинг. Қизил айланага жуфт сонларни, кўк айланага эса икки хонали сонларни ёзинг. Ҳар бир сонни айланалар ичига тўғри ёзинг. Жуфт сон ҳам, икки хонали сон ҳам бўладиган тўпламни бўяб кўрсатинг.



Жуфт сонлар

Икки хонали сонлар



Элементлари бўлмаган тўплам – бўш тўплам деб аталади ва қуйидагича белгиланади \emptyset . Бўш тўпламни исталган қарама-қарши хосса орқали аниқлаш мумкин.



Бўш тўпламларга мисоллар берилган. Ўзингиз ҳам мисоллар ўйлаб топинг.

Бўш тўпламга мисоллар:

- Ойдаги отлар тўплами;
- Денгиздаги юлдузлар тўплами;
- Осмондаги балиқлар тўплами.



6. Масалани ечинг.

Ойша 9 тенгедан 5 та дафтар ва 540 тенгега ён дафтарча сотиб олди. Улардан қайси бири кўп ва қанча пул сарфлади?

7. Тенгламаларни ечинг.

$$27 : a = 9$$

$$100 - y = 14$$

$$a \cdot 8 = 24$$



8. Тўғри мулоҳазани топинг.

- а) Айланаларнинг умумий қисмида қизил нарсалар ёки қизил шарлар жойлашган.
- б) Айланаларнинг умумий қисмида қизил ва юмалоқ ўйинчоқлар жойлашган.

Саволларга жавоб беринг:

- а) Жами ўйинчоқлар нечта?
- б) Қизил шарлар нечта?
- в) Жами шарлар нечта?



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Менинг қизиқишларим




Сиз икки тўпламнинг бирлашмаси ва кесишмасини тасвирлай оласиз.





1. а) Синфимиз ўқувчилари шахмат ва рақс билан шуғулланади. Саволларга жавоб беринг.

- Нечта бола шахмат билан шуғулланади?
- Нечта бола рақс билан шуғулланади?
- Нечта бола шахмат билан ҳам, рақс билан ҳам шуғулланади?
- Ботирнинг шахмат билан ҳам, рақс билан ҳам шуғулланиши ростми?
- Севаранинг шахмат билан ҳам, рақс билан ҳам шуғулланиши ростми?

Расм бўйича савол ўйлаб топинг, уни дўстингизга (дугонангизга) беринг.




б) Расм бўйича савол беринг.





2. Синфимизнинг баъзи бир ўқувчилари севимли фани сифатида математикани ва информатикани танлашди. Чизма бўйича берилган саволларга жавоб беринг.

- Нечта ўқувчи математикани севимли фани сифатида танлаган?
- Нечта ўқувчи информатикани севимли фани сифатида танлаган?
- Нечта ўқувчи математикани ҳам, информатикани ҳам севимли фани сифатида танлаган?
- Санжарнинг математикани ҳам, информатикани ҳам яхши кўриши ростми?
- Дилмуроднинг математикани яхши кўриши ростми.




Математика

Информатика

Чизма бўйича савол ўйлаб топинг, уни дўстингизга беринг.

3. Расмдаги тўпламларнинг кесишмасидаги элементларни айтинг. Тўпламларнинг кесишмасини номланг.

3 га бўлинадиган сонлар




4 га бўлинадиган сонлар





4. 3-синф ўқувчилари кўрғазмага ва музейга экскурсияга боришди. Кўрғазмага 12 та ўқувчи, музейга эса 18 та ўқувчи борди. 4 та ўқувчи эса кўрғазмага ҳам, музейга ҳам боришди.

Экскурсияга жами нечта ўқувчи борган?



Кўрғазма Музей

5. а) 20 гача бўлган икки хонали жуфт сонлар тўпламининг барча элементларини ёзинг. 20 гача бўлган икки хонали тоқ сонлар тўпламининг барча элементларини ёзинг.



- б) Шуларнинг бирлашмаси қандай тўплам бўлади?
 в) Бу тўпламлар кесишадими?

6. Масалаларни ечинг.

- а) Мадина дўкондан 8 тенгедан хатчўп ва 7 тенгедан календарь сотиб олди. У худди шундай 5 та хатчўп ва 4 та календарга жами неча тенге тўлайди?
 б) Санжар бир марта ишлатиладиган бир қути қизғиш стаканларни 345 тенгега ва 5 тенгедан 9 та найча сотиб олди. Мадина эса 8 тенгедан 5 та қошиқ, 250 тенгега 1 ўрам салфетка сотиб олди. Улар иккаласи биргаликда неча тенге тўлади?



7. Жадвалдан фойдаланиб, тўғри тенглик ва тўғри тенгсизлик тузинг.


$321 + 129$	$328 - 258$
$160 - 90$	$150 + 40$
$240 - 50$	$53 + 367$
$98 + 102$	$900 - 450$

$\square + \square * \square - \square$
 $\square - \square * \square + \square$



8. Тўғри мулоҳазани топинг.

- а) Айланаларнинг умумий қисмида кўк ёки кичкина пиёлалар жойлашган.
 б) Айланаларнинг умумий қисмида кўк ва кичкина пиёлалар жойлашган.
 в) Айлананинг умумий қисмида кичкина кўк пиёлалар жойлашган.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Одоб қоидалари



Сиз имкониятлар дарахтини ясашни ўрганасиз.

1. Кесма қоғозга учта сон ёзинг, масалан: 3, 6, 9. Улардан уч хонали сонлар тузиб, уларни ёзинг. Турли хил нечта сон ёзиш мумкин?



Сонларни тузаётганда маълум бир қоидага суянган маъқул. Масалан, 3, 6, 9 рақамларидан барча уч хонали сонларни қуйидагича тузиш мумкин: аввал юзликларнинг ўрнига 3 ни қўйиб, сўнгра 6 ни, кейин эса 9 ни, шу каби ҳамма имкониятлардан фойдаланиш керак.

3 6 9	6 3 9	9 3 6
3 9 6	6 9 3	9 6 3




Танлаш усулини имкониятлар дарахти деб аталувчи чизма билан алмаштириш мумкин.

Бу нусхаларнинг барчасини “тармоқларда” кўрсатиш мумкин.

Юзликлар

Ўнликлар

Бирликлар



Юзликлар
имкониятлар
дарахти




Ушбу тармоқдаги ҳар бир йўл ечиш нусхаларидан бирига мос келади. Нечта нусха бўлса, шунча тармоқ бўлади.

Имкониятлар тармоғи ечимларнинг ҳамма нусхаларини топишга ёрдам беради. Масалан, 369 сони тармоқда қизил рангда берилган.


2. Масалаларни ечинг.

а) Ошхонада тушликнинг иккинчи таомига – гўшт, балиқ ва қовурдоқ, десертга эса – пишириқ, музқаймоқ ва мева тайёрланди. Битта иккинчи таом ва битта десерт танлаш керак. Тушлик танлашнинг неча хил нусхаси бор?

Бундай масалани ечишда “имкониятлар тармоғидан” фойдаланган маъқул. Ҳар бир таомни нуқта орқали белгилайлик.



б) Ошхонада тушликнинг биринчи таомига – шўрва ва мастава, иккинчисига – гўшт, балиқ ва қовурдоқ тайёрланди. Икки хил таомдан ташкил топган тушликнинг неча хил нусхаси бор? Бундай масалани ечиш учун “имкониятлар тармоғи” қуйидагича берилди.



в) Агар ўша ошхонада чой, шарбат ва сут тайёрланган бўлса, у ҳолда уч хил таомдан ташкил топган тушликни қандай танлаш мумкин.

Имкониятлар тармоғини тузинг.



3. Имкониятлар тармоғини тузинг.

Ойшада ўқувчилар кийимининг тўплами бор: учта кофта, битта юбка, битта шим. У неча кийимлар тўпламини туза олади?


4. Масалаларни ечинг. Топшириқни бажаришдан аввал биргалликда қандай ишлаш мумкинлигини ёдингизга туширинг.

а) AB кесманинг узунлиги 6 см га, CD кесманинг узунлиги 24 см га тенг. Иккинчи кесма биринчисидан неча марта узун?

в) AB кесма 6 см, CD кесма эса 24 см га тенг. CD кесма AB кесмадан неча сантиметр узун?



5. Синфимизда кўпгина қизлар арқончада сакрашни ва бекинмачоқ ўйнашни ёқтиради. Чизма асосида саволларга жавоб беринг.



- Нечта қиз арқонча сакради?
- Нечта қиз арқонча билан ҳам, бекинмачоқ ҳам ўйнади?
- Асалнинг арқонча билан сакрашни ёқтириши ростми?



Чизма асосида саволлар ўйлаб топинг, уни дўстингизга беринг.

6. Жадвал бўйича тенглама тузиб, уни ечинг.

Қўшилувчи	320		780
Қўшилувчи		87	
Йиғиндининг қиймати	650	587	800

Қамаювчи	840		350
Айрилувчи		330	
Айирманинг қиймати	310	560	50



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Имкониятлар дарахти

Инсонлар орасидаги дўстлик



Сиз имкониятлар дарахтини тузасиз.

1. а) Ўғил болалар (ў) ва қиз болалар (қ) навбатма-навбат ўтирадиган қилиб Наргиза (Н), Мурод (М), Тохира (Т) ва Сардорни (С) стулларга қандай ўтқозиш мумкин.

Н	М	Т	С	Т				М				С			
қ	ў	қ	ў	қ				ў	қ	ў	қ	ў			
Н				Т				М				С			


1-чизма

Тўртинчи

Учинчи

Иккинчи

Биринчи



Имкониятлар тармоғи

б) 1-чизмадаги танлаш усулидан фойдаланиб, ўзингиз ёзган болаларни стулга жойлаштириш нусхасини топинг.



2. Дафтарингизга имкониятлар тармоғини чизинг.

Имкониятлар тармоғини турлича жойлаштириш мумкин.


2-чизма

Биринчи



Иккинчи

Учинчи

Тўртинчи



а) 2-чизмадан қуйидаги жойлаштириш имкониятларини топиб, қизил ранг билан ўраб чизинг. Дафтарингизга чизмани чизинг ва



б) 2-чизмадан қуйидаги жойлаштириш имкониятларини топиб, кўк ранг билан ўраб чизинг. Дафтарингизга чизмани чизинг ва



М.и.

3. 2, 7, 9 рақамларидан фойдаланиб, нечта икки хонали турли хил сон тузиш мумкин? Бу сонларда рақамларни такрорлаш мумкинми?

Топшириқни турли усуллар билан бажаринг.

а) Имконият нусхаларини танланг.


2___, 7___, 9___; 2___, 7___, 9___; 2___, 7___, 9___.

Б

б) Имкониятлар тармоғининг схемасини тузинг.

Бирликлар

Ўнликлар




4. Масалаларни ечинг.

- а) AB кесманинг узунлиги 5 см га, CD кесма эса 25 см га тенг.
Қайси кесма қайсинисидан неча марта узун?
- б) AB кесманинг узунлиги 5 см га, CD кесма эса 25 см га тенг.
 CD кесма AB кесмадан неча сантиметр узун?
- в) Битта жавонда 5 та китоб, бошқа жавонда эса ундан 4 марта ортиқ китоб бор. Иккита жавонда жами неча китоб бор?

5. Ҳисобланг.

$$8 \text{ дм}^2 + 49 \text{ дм}^2 \quad 9 \text{ см}^2 \cdot 4 \quad 40 \text{ м}^2 : 5 \quad 500 \text{ см}^2 - 235 \text{ см}^2$$

6. Болаларнинг буюм яшаш учун қирқиб олган қоғозларининг юзасини палетка ёрдамида ҳисобланг.






7. Масалани ўқинг.


“Болалар олами” дўконининг бир бўлимида тўқилган буюмлар сотилади: қора (Қ), яшил (Я) қалпоқлар, кўк (К), оқ (О) дўппилар ва сариқ (С), қизил-сариқ (ҚС) қўлқоплар.

Учта буюмдан ташкил топган неча буюмлар тўплами яшаш мумкин?

Имкониятлар тармоғини чизиб, олинган натижаларни таққосланг.

8. Жадвал бўйича масалалар тузинг, уларни ечинг.

Товар	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
	9 тенге	? та	45 тенге
	6 тенге	5 та	? тенге
	? тенге	8 та	40 тенге



Ҳамма нарсаларнинг умумий баҳосини билиш учун битта нарсанинг ... унинг ... кўпайтириш керак. Сотиб олинган нарсаларнинг сонини билиш учун ҳамма нарсаларнинг ... битта нарсанинг ... бўлиш керак. Битта нарсанинг баҳосини билиш учун ҳамма нарсаларнинг ... унинг ... бўлиш керак.

9. Қулай усулда ҳисобланг.

$5 + 39 + 95$

$205 + 199 + 295$

$105 + 599 + 195$

$6 + 98 + 94$

$106 + 198 + 594$

$306 + 298 + 294$



10. Синфда 29 та ўқувчи бор. Улар бассейнга ва расм тўғарагига боришади. 16 та ўқувчи бассейнга ҳам, расм тўғарагига ҳам боради. Улардан 3 таси фақат расм тўғарагига, 5 таси эса фақат бассейнга боради. Нечта ўқувчи бассейнга ҳам, расм тўғарагига ҳам бормайди?

Жами 29 ўқувчи



Бассейн

Расм тўғараги



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Инсонлар орасидаги дўстлик



Сиз катталикларнинг қийматларини таққослашни, тўпламларнинг кесишмаси ва бирлашмасини белгилашни биласиз. “Имкониятлар тармоғини” тузиб, 2-3 амалли масалаларни ечасиз.

- Синфимизнинг баъзи бир ўқувчилари севимли фани сифатида математика ва қозоқ тилини танлашди. Саволларга жавоб беринг.
 - Нечта ўқувчи математикани севимли фани деб ҳисоблайди?
 - Нечта ўқувчи қозоқ тилини севимли фани деб ҳисоблайди?
 - Нечта ўқувчи математикани ҳам, қозоқ тилини ҳам севимли фани деб ҳисоблайди?
 - Санжарнинг математикани ҳам, қозоқ тилини ҳам яхши кўриши ростми?
 - Мадинанинг математикани яхши кўриши ростми?

Чизма асосида ўзингиз савол ўйлаб топинг, уни дўстларингизга беринг.



М.и.

2. Масалаларни ечинг.

- 2 га бўлинадиган бир хонали сонлар тўпламини кўк айлана ичига ёзинг. 3 га бўлинадиган бир хонали сонлар тўпламини эса қизил айлана ичига ёзинг. Ҳар бир тўпламда нечта элемент бор? Шу тўпламларнинг кесишмасида нечта элемент бор?
- 2 га бўлинадиган 20 гача бўлган сонлар тўпламини кўк айлана ичига ёзинг. 3 га бўлинадиган 20 гача бўлган сонлар тўпламини қизил айлана ичига ёзинг. Ҳар бир тўпламда нечта элемент бор? Шу тўпламларнинг кесишмасида нечта элемент бор?

3. Масалани ечиб, унга тескари масала тузинг.

а) Синфда 3 қаторнинг ҳар бирида 3 тадан парта бор. Синфда жами нечта парта бор?

б) Қисқа ёзув бўйича масала ечинг. Уни масаланинг (а) қисми билан таққосланг.

Синфда 3 қаторнинг ҳар бирида 3 тадан парта бор. Синфга яна 4 та парта олиб келинди. Жами нечта парта бўлди?

Бор эди – 3 та партадан 3 қатор

Олиб келинди – 4 та парта

Жами – ? парта

в) Қисқа ёзув бўйича аввалги (б) масалага тескари масала тузинг.



Бор эди – 3 та партадан 3 қатор

Олиб келинди – 4 та парта

Жами – 13 парта

Бор эди – 3 та партадан ? қатор

Олиб келинди – 4 та парта

Жами – 13 парта

Бор эди – 3 та партадан 3 қатор

Олиб келинди – ? парта

Жами – 13 парта



4. Масалани ечинг. Берилганга тескари масала тузиб, уларни ечинг.

Мактабдаги таъмирлаш ишлари учун 3 килограмдан 2 қути ҳаворанг ва 15 килограмм оқ бўёқ сотиб олинди. Жами неча килограмм бўёқ сотиб олинган?

5. Берилган йиғиндининг қиймати ҳосил бўлиши учун ҳар бир гуруҳдан учтадан сон танлаб олинг.

100	990	88	77	660
55 35 15	330 130 410	44 40 26	33 44 15	330 440 220
12 20 37	160 200 430	22 27 24	78 66 11	120 340 550
33 68 30	190 500 340	50 38 20	40 22 0	100 110 320

6. Ҳисобланг.




$$75 \text{ дм}^2 + 45 \text{ дм}^2$$

$$5 \text{ м}^2 \cdot 8$$

$$45 \text{ см}^2 : 5$$


$$800 \text{ м}^2 - 235 \text{ м}^2$$

7. Нарсанинг баҳоси, сони, умумий баҳосини қандай топиш керак эканлигини ёдингизга туширинг. Масала бўйича ифода ёзинг.

Нарса	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
	6 тенге	? та	30 тенге
	7 тенге	5 та	? тенге
	? тенге	8 та	40 тенге




8. 2, 7, 9 рақамларидан фойдаланиб нечта уч хонали сон ёзиш мумкин? Ечимини кўрсатиш учун уч хил рангли қаламдан фойдаланинг. Имкониятлар тармоғини тузинг.



9. Ифодаларни ўқиб, уларнинг қийматини топинг.

$$\begin{array}{lll}
 35 : 5 + 5 \cdot 6 & 8 \cdot 5 + 32 : 4 & 5 \cdot (38 - 34) + 59 \\
 (22 + 8) : 5 + 7 & (70 - 5 \cdot 4) - 9 & 82 - 5 \cdot 8 + 27 : 3 \\
 45 : (15 : 3) + 75 & 73 + 29 - 5 \cdot 9 & 55 + 45 : 9 + 7 \cdot 5 \\
 (48 - 28) : (14 - 9) & 100 - (20 : 5 + 76) & 100 - (26 + 14) : 8
 \end{array}$$

10. Очколарни сананг. ва белгилардан фойдаланиб, ифодалар ёзинг.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Мен ўзимнинг ютуқларимни текшираман

БИЛИШ

Кўпайтириш
ва бўлиш
амалларидаги
0 ва 1 нинг
хоссаларини
биламан.

Ҳисобланг.

$$\begin{array}{ccc} 2 \cdot 0 & 3 \cdot 1 & 9 : 1 \\ 5 : 5 & 0 \cdot 9 & 6 \cdot 0 \end{array}$$

ТУШУНИШ

см², дм², м² кат-
таликларнинг
қийматларини
таққослашни,
улар устида
амаллар бажари-
ришни биларман.

Ҳисобланг. Таққосланг.

$$\begin{array}{l} 5 \text{ м}^2 + 45 \text{ м}^2 * 51 \text{ дм}^2 \\ 9 \text{ м}^2 * 8 \text{ дм}^2 \\ 35 \text{ м}^2 : 7 * 6 \text{ см}^2 \\ 250 \text{ м}^2 * 300 \text{ м}^2 - 35 \text{ м}^2 \end{array}$$

ҚЎЛЛАШ

Имкониятлар
тармоғини туза
оламан.

Имкониятлар тармоғини тузиб, масалани
ечинг.

Болалар хонасига айлана ёки квадратси-
мон стол сотиб олиш мумкин. Шу билан
бир қаторда уч хил кўк, жигарранг, қи-
зил стуллар бор. Болалар хонасига 1 стол,
1 стул танлаш имкониятларини тузинг.
Нечта нусха бор?

АНАЛИЗ

2-3 амалли катталиклар орасидаги боғланишга доир масалаларни таҳлил қилиб, еча оламан.

Масалани ечинг.

Қалам 9 тенге, ўчиргич эса 8 тенге туради. Агар худди шундай 5 та қалам ва 4 та ўчиргич олсак, уларга жами неча тенге тўлаш керак?

Катталикларни ҳарфлар орқали белгилаб, нарсанинг умумий баҳосининг формуласини ёзинг:

Б – баҳоси;


С – сони;

У – умумий баҳоси.

СИНТЕЗ

Берилган аломатларига кўра сонлар тўпламини тузаман, уларнинг кесишмасини ва бирлашмасини туза оламан.

Қодирнинг расмларидаги тўпламларнинг кесишмаси элементларини айтинг. Тўпламлар кесишмасини номланг.



Ҳар бир тўпламнинг 3 тадан элементини айтинг.

БАҲОЛАШ

Қавсли ифодаларни ўқиш ва ёзишда кўпайтириш ва бўлиш компонентларининг номи тўғри фойдаланилганини текшира оламан.

Оқила ифода билан унинг ёзувини тўғри бирлаштира олдими? Хатосини текширинг, ҳисобланг.

Икки йиғиндининг кўпайтмаси

$$2 \cdot 9 - 3 \cdot 2$$

Икки кўпайтманинг айирмаси

$$(2 + 5) \cdot (3 + 2)$$

Йиғинди билан соннинг бўлинмаси

$$(22 + 5) : 3$$

1С БЎЛИМ.
ЖАДВАЛ ИЧИДА КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

31


6 сонига кўпайтириш ва бўлиш жадвали.
Билвосита саволлар билан берилган масалалар

Синф жамоаси. Ҳуқуқлар ва вазифалар



Сиз 6 сонига кўпайтириш ва бўлиш жадвалидан
фойдаланишни ўрганасиз. Билвосита саволлар билан
берилган масалаларни ечасиз.

1. Мусобақа ўтказиш учун ҳар 6 м сайин байроқча қўйилди.
6 тадан сананг.



2. 4 та устундан ташкил топган 6 га кўпайтириш ва бўлиш жадвалини тузиб, ёзинг.

$$6 \cdot 6 = 36$$

$$6 \cdot 7 = 42$$

$$6 \cdot 8 = 48$$

$$6 \cdot 9 = 54$$

$$7 \cdot 6 = \square$$

$$8 \cdot 6 = \square$$

$$9 \cdot 6 = \square$$

$$36 : 6 = \square$$

$$42 : 6 = \square$$

$$48 : 6 = \square$$

$$54 : 6 = \square$$

$$\square : 7 = 6$$


$$\square : 8 = 6$$

$$\square : 9 = 6$$



Ёзувни нима учун $6 \cdot 6$ ҳолдан бошлаш мумкин?

3. Синфда Жамила ва Мадина навбатчи. Улар дарс учун тахтада ёзувлар тайёрлашди. Уларни кўриб чиқинг.



Гапларни тўлдилинг.

6 та учбурчак берилган, бу квадратларга қараганда _____ марта _____?

6 та учбурчак берилган, бу квадратларга қараганда _____

Квадратлар 12 та, бу эса учбурчакларга қараганда _____ марта _____.

Квадратлар 12 та, бу эса учбурчакларга қараганда _____

Хулоса чиқаринг.

4. а) Сизнинг синфингизда навбатчи борми? Масалани ўқиб, ечимини кўриб чиқинг. Хулоса чиқаринг.

Нодира синфдаги 6 та хона гулига сув қўйди. Бу мактаб коридоридаги суғорилган гулларга қараганда 5 марта кам. Нодира мактаб коридоридаги нечта гулга сув қўйган?

Синфда – 6 та х.г., бу 5 марта кам

Коридорда – ? х.г.

Қўйидагича мулоҳаза юритинг: агар синфда 5 марта кам бўлса, коридорда 5 марта ортиқ.

$$6 \cdot 5 = 30 \text{ (х.г.)}$$

Текширинг: синфда 6 та хона гули, коридорда 30 та хона гули бор. Яъни синфда 5 марта кам. Масала тўғри ечилган.

Жавоби: коридорда 30 та хона гули бор.



Бу масаланинг шarti билвосита берилган.



б) Қисқа ёзув бўйича билвосита саволлар билан берилган масала тузинг.

Д. – 4 м, бу 2 марта ортиқ

С. – ? м



5. Бугун мактабда ўзини бошқариш куни. Ойша ўқитувчи ролида бўлади. У болаларга масала тайёрлайди.



Билвосита саволлар билан берилган масалалар тузиб, уларни ечинг.

- а) Боғламда 8 та рангли картон қоғозлар бор, оқ рангли картон қоғозлар эса улардан 4 марта ортиқ. Боғламда оқ рангли картон қоғозлар нечта?
- б) Стаканда 3 та оддий қалам бор, бу эса рангли қаламларга қараганда 5 марта кам. Стаканда нечта рангли қалам бор?
- в) Бочкада 45 л сув бор, бу эса цистернадагидан 255 литр кам. Цистернада неча литр сув бор?
- г) Хат ташувчи 45 та оддий хат ва ундан 12 марта ортиқ телеграмма тарқатди. Хат ташувчи жами нечта хат тарқатган?



6. Тахтага 15 та учбурчак чизилган, бу эса квадратларга қараганда 3 марта ортиқ. Ушбу масаланинг шартини чизиб, ечимини ёзинг. Масала тузинг.



7. Масалага ифода тузинг.

- а) Бир йўлнинг узунлиги 36 м, бу иккинчи йўлнинг узунлигидан 6 марта қисқа. Иккала йўлнинг узунлиги қанча?
- б) Автобусда 8 та бола келяпти, бу катта ёшлиларга қараганда 5 марта кам. Автобусда жами нечта йўловчи бор?

8. Таққосланг.

$$а) 6 \cdot 4 * 4 \cdot 6 \qquad 36 : 6 * 2 \cdot 5 \qquad 24 : 6 * 16 : 2$$

$$б) a : b * a \cdot b \qquad a \cdot b + 5 * a \cdot b + 50 \qquad a \cdot b + 15 * a : b$$



9. Қаторни давом эттиринг. Ҳар бир кейинги сон 5 га (6 га) ортиқ бўладиган қилиб қатор тузинг.

2, 4, 6, 8,....., 20.

3, 6, 9,....., 30.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Жамоа. Биз ҳаммамиз ҳар хилмиз, бироқ биргамиз



Сиз катталикларнинг формулаларини тушунасиз.



1. Дўстларингиз билан ўйланг. 6 нинг жадвал ҳолидаги ва унинг жавоблари ёзилган карточкани олинг. Ким жадвални яхши билади? Биргаликда тез бажара олдингизми? Сабабини тушунтиринг.

6 · 6

6 · 7

6 · 8

6 · 9

48 : 6




36 : 6

54 : 6

42 : 6



2. Ҳар бир топшириқ учун қайси формуладан фойдаландингиз? Тушунтиринг.




Формула

Нарса	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
	5 тенге	7 та	? тенге
	7 тенге	? та	42 тенге
	? тенге	7 та	35 тенге


3. Синфимиз ўқувчилари йиғиб олинган ҳосилни ҳисоблашга ёрдам беришди.



У.м. – саватнинг умумий массаси $У.м. = м \cdot с$
 м – битта саватнинг массаси $м = У.м. : с$
 с – саватлар сони $с = У.м. : м$



Расм ва жадвал ёрдамида тескари масала тузинг ва уни ечинг.



Битта саватнинг массаси м (кг)	Саватлар сони с (сават)	Умумий масса У.м. (кг)
6 кг	5 сават	? кг
<input type="checkbox"/> кг	? сават	<input type="checkbox"/> кг
? кг	<input type="checkbox"/> сават	<input type="checkbox"/> кг



Тескари масалалар тузиб, уларни ечинг.



4. Масалани ечинг. Формулалардан фойдаланиб, берилган масалага тескари масала тузинг.

Болалар меваларни бир хил яшикларга солишди. Битта яшикка 9 кг мева сиғади. Агар йиғилган меваларнинг умумий массаси 54 килограмга тенг бўлса, унда улар неча яшик мева йиғишган?

5. Амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлаб, уларни ҳисобланг.

$$36 : 9 + 4 \cdot 6$$

$$6 \cdot 5 + 32 : 8$$

$$8 + 45 : 9 + 7 \cdot 3$$

$$(24 + 6) : 5 + 2$$

$$67 + 29 - 5 \cdot 7$$

$$7 \cdot (38 - 34) + 29$$

$$45 : (18 : 2) + 27$$

$$(60 - 3 \cdot 4) - 39$$

$$90 - (25 + 15) : 8$$


$$(37 - 17) : (12 - 8)$$

$$100 - (20 : 5 + 16)$$

$$22 + 5 \cdot 8 + 27 : 3$$

6. Расмга қаранг. Унинг маъносини тушунтиринг. Формулаларни кўриб чиқинг. Ҳарфлар нимани билдиришини тушунтиринг.

Бизнинг синфимиз аҳил. Биз мусобақаларга қатнашамиз. Мусобақа учун кийим тиктирдик.



$X_{ум.}$ – барча буюм учун сарфланган умумий харажат $X_{ум.} = x \cdot c$
 x – битта буюм учун сарфланган харажат $x = X_{ум.} : c$
 c – буюмлар сони $c = X_{ум.} : x$

7. Масала шартини жадвалга ёзинг. Формуладан фойдаланиб, масалани ечинг.

- 6 м газламадан 3 та бир хил болалар костюми тикилди. Битта костюмга неча метр газлама керак бўлади?
- 6 метр газламадан бир хил болалар костюми тикилди. Агар битта костюмга 2 м газлама сарфланса, у ҳолда неча костюм тикилган?
- 3 та бир хил болалар костюми тикилди. Агар битта костюмга 2 м газлама сарфланса, у ҳолда ҳаммаси бўлиб неча метр газлама сарфланган?



8. Масалани ечинг. Қандай формулалардан фойдаланган бўлар эдингиз?

Агар 6 метр газламадан 3 та бир хил болалар костюми тикилса, 12 м газламадан неча костюм тикиш мумкин?

Битта буюмга сарфланган газлама x	Буюмлар сони c	Умумий харажат $X_{ум.}$
? бир хил	3 дона	6 м
	? дона	12 м



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Синф жамоаси



Сиз 7 га кўпайтириш ва бўлиш жадвалини тузишни ва қўллашни ўрганасиз.

1. Синфимиз бугун коридорда навбатчилик қилади. Ўқувчилар ораси 7 қадам бўладиган қилиб қаторга туришди. 7 тадан сананг.



7 га кўпайтириш ва бўлиш жадвалини тузиб, 4 та устунга ёзинг.

$7 \cdot 7 = 49$		$49 : 7 = \square$	
$7 \cdot 8 = 56$	$8 \cdot 7 = \square$	$56 : 7 = \square$	$\square : 8 = 7$
$7 \cdot 9 = 63$	$9 \cdot 7 = \square$	$63 : 7 = \square$	$\square : 9 = 7$

Нима учун $7 \cdot 7$ ҳолдан бошлаб ёзилди?



2. Қайси ҳолларда ҳисобламасдан таққослаш мумкин эканлигини дўстингиз билан муҳокама қилинг.

$3 \cdot 7 * 7 \cdot 3$

$3 \cdot 7 + 24 * 7 \cdot 3 + 73$

$7 \cdot (3 + 6) * 7 \cdot 3 + 6$

$7 \cdot 7 * 8 \cdot 7$

$7 \cdot 7 + 20 * 7 \cdot 8 + 20$

$(7 + 2) \cdot 3 * 7 + 2 \cdot 3$



3. Жадвал бўйича масалалар тузиб, уларни ечинг.



а)

Битта яшикнинг массаси (кг)	Яшиклар сони (та)	Умумий масса (кг)
?	6	18
6	7	?
9	?	54
?	6	42

б)

	Битта яшикнинг массаси	Яшиклар сони	Умумий масса
Нок	6 кг	7 та	} ? кг
Олма	8 кг	6 та	

в) Масаланинг қисқа ёзувини тўлдириб, уни ечинг.

Ўрик – 9 кг дан ящик

Шафтоли – 8 кг дан ящик } ? кг

4. Расмлар ва жадвал асосида масала тузиб, уни ечинг.



40 тенге



56 тенге

Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
бир хил	5 та дафтар	40 тенге
	? дафтар	56 тенге

5. 5 та дафтар учун 35 тенге тўланди. Худди шундай 8 та дафтар қанча туради?

Жадвалдаги масалага қаранг. Масала саволларига жавоб бериш учун нимани билиш керак эканлигини тушунтиринг.

Битта дафтарнинг баҳосини қандай билиш мумкин?

Битта дафтарнинг баҳосини билган ҳолда худди шундай 8 та дафтарнинг умумий баҳосини топинг.

Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
бир хил	5 та дафтар	35 тенге
	8 та дафтар	? тенге



6. Қуйидаги а) ва б) масалаларнинг берилишини таққосланг. б) жадвал бўйича масала тузиб, уни ечинг.

а)	Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
бир хил		7 та	56 тенге
		6 та	? тенге

б)	Битта қутининг массаси	Сони	Умумий массаси
бир хил		7 та	56 кг
		6 та	? кг



7. Ифодалар тузиб, уларнинг қийматини топинг.

7 · 7 8 · 7 7 · 9 6 · 7 + − 5 · 3 6 · 4 7 · 0 9 · 2



8. Ифодаларнинг қийматини ҳисоблаб, жавобини сандикдан топинг.

$$63 - 21 : 7$$

$$2 + 5 \cdot 7$$

$$48 - 8 : 2$$


$$8 : 4 \cdot 7$$

$$(90 - 34) : 7$$

$$3 \cdot 3 \cdot 3$$

$$(2 + 5) \cdot 7$$

$$(18 + 3) : 7$$



9. “Синфимизда нечта қиз бор?” – деб сўради Жасур Гўзалдан. Гўзал бир оз ўйланиб: “Энг катта икки хонали сондан иккита саккиз қатнашган сонни айирдим. Ҳосил бўлган сонга энг кичик икки хонали сонни қўшганда синфимиздаги қизлар сони чиқади” – деди. Синфимизда нечта қиз бор?



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Яхшилик ва ёмонлик



Сиз катталиклар орасидаги боғланишдан, кўпайтириш ва бўлиш жадвалидан масалалар ечишда фойдаланасиз.

1. Мисолларни ечиб, уларнинг қийматини камайиш тартибида жойлаштиринг. Мақолни ўқинг.

кўради $9 \cdot 3$	бошидан $6 \cdot 8$	ёмон $6 \cdot 7$	кўради $9 \cdot 5$
Яхши $9 \cdot 7$	дўстидан $5 \cdot 7$	ўз $8 \cdot 7$	



2. Болалар сотувчига мева ва сабзавотларнинг массасини ҳисоблашга ёрдам беришди. Керакли формулани ёзинг. Масалани биргаликда ечинг.



Битта яшикнинг массаси (кг)	Яшиклар сони (та)	Умумий массаси (кг)
?	4	28
6	?	54
8	7	?

М.и.

3. Болалар сотувчига мева ва сабзавотларнинг массасини ҳисоблашга ёрдам беришди. Керакли формулани ёзинг. Масалани биргаликда ечинг.

Мева	Бир яшик меванинг массаси	Яшиклар сони	Меваларнинг умумий массаси
Апельсин	бир хил	4 та	24 кг
Мандарин		3 та	? кг



4. Таққосланг.

$$7 \cdot 6 * 5 \cdot 6 \quad 3 \cdot 7 * 6 \cdot 6 \quad 3 \cdot 7 + 7 * 7 \cdot 3 + 7$$

$$6 \cdot 8 * 8 \cdot 6 \quad 48 : 6 * 2 \cdot 4 \quad 7 \cdot (39 - 36) * 7 \cdot 3 + 6$$

$$5 \cdot 7 * 7 \cdot 3 \quad 54 : 6 * 18 : 2 \quad (17 - 10) \cdot 3 * 7 + 7 \cdot 3$$

5. Жадвал бўйича масала тузиб, уни ечинг.

Битта яшикнинг массаси	Сони	Умумий массаси
бир хил	6 та	42 кг
	9 та	? кг



Тескари масала тузиб кўринг.

Битта яшикнинг массаси	Сони	Умумий массаси
9 кг	бир хил	63 кг
? кг		56 кг

Битта яшикнинг массаси	Сони	Умумий массаси
4 кг	6 та	бир хил
8 кг	? та	

6. Ҳисобланг.

$$(24 : 3 + 125) - 27 : 9 \quad 200 - 5 \cdot 8 + 120$$

$$32 : 4 + (200 - 4 \cdot 9) \quad 95 + (100 - 55) : 5$$

7. Ифоданинг қийматини топинг.

$$(4 + 5) \cdot 5 \quad 4 \cdot 6 + (2 + 6) \quad 8 \cdot 6 - 4 : 2$$

$$4 + 5 \cdot 5 \quad 4 \cdot (6 + 2) + 6 \quad 8 \cdot (6 - 4) : 2$$



8. Учта қутида қалам, ручка, фломастер бор. Қути сиртидаги ёзувларнинг ёлғон эканлиги маълум. Қайси нарса қайси қутида ётиши мумкин?



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.




Яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги халқ эртаклари



Сиз 8 ва 9 га кўпайтириш ва бўлиш жадвалини тузишни, ундан фойдаланишни ўрганасиз.

1. Жониворлар ҳақидаги яхшилик ёмонликни енгадиган қандай эртакларни биласиз?

Қуённинг ҳар бир сакраши 8 бирликка тенг. Унинг уч (олти, саккиз) марта сакраши неча бирликка тенг?



8 га кўпайтириш ва бўлиш жадвалини тузинг ва ёзинг.

$$8 \cdot 8 = 64$$

$$8 \cdot 9 = 72$$

$$9 \cdot 8 = \square$$


$$64 : 8 = \square$$

$$72 : 8 = \square$$

$$\square : 9 = 8$$

2. Қуённинг ҳар бир сакраши 9 бирликка тенг. Унинг уч (олти, саккиз) марта сакраши неча бирликка тенг?

9 га кўпайтириш ва бўлиш жадвалини тўлдириб ёзинг.



$$9 \cdot 9 = 81$$

$$81 : 9 = \square$$


$$\square : 9 = 9$$

3. Тўққиз бошли аждарҳонинг ҳар бир боши тушликда 2 тадан пишириқ ейди. Аждарҳо тушликка жами нечта пишириқ ейди?





4. Жадвал асосида масалалар тузиб, уларни ечинг.



Битта қутининг массаси	Сони	Умумий массаси
4 кг	8 та	? кг
? кг	8 та	32 кг
4 кг	? та	32 кг



5. Масалани ечинг.

8 та идишга 40 л сут қуйилди. 30 л сутни қуйиш учун худди шундай нечта идиш керак?

Битта идишнинг сиғими	Сони	Умумий сиғими
бир хил	8 та	64 л
	? та	32 л



6. Масала бўйича ифода тузинг.

а) Чўпон қўйларнинг жунини олиб, уни бозорга олиб бориб сотди. У битта қўйдан 7 кг жун олди. Агар бозорга 56 кг жун олиб борган бўлса, у ҳолда у нечта қўйнинг жунини олган?

б) Агар у битта қўйдан 6 кг жун олган бўлса, у ҳолда 8 та қўйдан қанча жун олади?

7. Ҳисобланг.

$$(650\ 000 + 850\ 000) - 48\ 000 \quad 175\ 000 + (900\ 000 - 465\ 000)$$

$$500\ 000 - (609\ 000 - 452\ 000) \quad 850\ 000 - (360\ 000 + 185\ 000)$$



8. Агар ўқувчи ифодаларнинг қийматини амаллар тартиби бўйича топган бўлса, у ҳолда у қандай ифоданинг қийматини топганини аниқланг?

1) $36 - 27 = 9$

1) $5 \cdot 4 = 20$

1) $60 - 37 = 23$

2) $9 : 3 = 3$

2) $7 \cdot 5 = 35$

2) $7 \cdot 2 = 14$

3) $20 + 35 = 55$

3) $23 - 14 = 9$



Худди шундай мисол тузинг. Дўстингиздан уни ечишини илтимос қилинг.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Жамоа қарори



Сиз масалалар ечасиз, ифодалардаги амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлайсиз, кўпайтириш жадвалидан фойдаланасиз.



1. Дўстингиз билан ўйнанг. Катакларни нақш ҳосил бўладиган қилиб, қоғоздан кесиб олинган кичкина квадратчалар билан ёпинг. Дўстингиз кўпайтиришнинг жадвалидан фойдаланиб, қоғоз билан ёпилган катакларда қандай сон ёзилганини аниқласин.



1	2	3	4	5	6	7	8	9
2	4	6	8	10	12	14	16	18
3	6	9	12	15	18	21	24	27
4	8	12	16	20	24	27	32	36
5	10	15	20	25	30	35	40	45
6	12	18	24	30	36	42	48	54
7	14	21	28	35	42	49	56	63
8	16	24	32	40	48	56	64	72
9	18	27	36	45	54	63	72	81

$$12 = 3 \cdot 4$$

$$20 = 5 \cdot 4$$

М.и.

2. Ҳисобланг.

$$1 \text{ ц } 40 \text{ кг} + 6 \text{ ц } 30 \text{ кг} = \square \text{ кг}$$

$$3 \text{ кг} \cdot 3 = \square \text{ кг}$$

$$1 \text{ т} - 6 \text{ ц } 40 \text{ кг} = \square \text{ кг}$$

$$9 \text{ кг} \cdot 2 = \square \text{ кг}$$

$$1 \text{ т} - 600 \text{ кг} = \square \text{ кг}$$

$$6 \text{ л} : 2 = \square \text{ л}$$

$$3 \text{ ц} + 55 \text{ кг} = \square \text{ кг}$$

$$4 \text{ т} \cdot 3 = \square \text{ т}$$

$$350 \text{ г} + 650 \text{ г} = \square \text{ кг}$$

$$20 \text{ г} : 2 = \square \text{ г}$$

3. Масалани ечинг.

- а) Катта идишда 20 л сут бор, у кичкина идишдагига қараганда 5 марта ортиқ. Иккала идишда жами неча литр сут бор?
- б) 8 та идишга 40 л сут қуйилди. 30 л сут қуйиш учун худди шундай нечта идиш керак?

Битта идишнинг сиғими	Сони	Умумий сиғими
бир хил	8 та идиш	40 л
	? та идиш	30 л



4. Синфимиз ўқувчилари мактабда бўладиган концертга қатнашадиган бўлишди. Тайёргарлик бошланди. Улар газлама сотиб олишди.

Концертга тайёргарлик учун сотиб олинган буюмлардан масала тузиб, уни ечинг.

а)

Битта буюмга сарфланган газлама	Буюмлар сони	Умумий харажат
бир хил	9 та	45 м
	? та	25 м

б)

Битта буюмга сарфланган газлама	Буюмлар сони	Умумий харажат
3 м	бир хил	27 м
2 м		? м

5. Ҳисобланг.

$$45 - (5 + 2) \cdot 3 \quad 100 - 35 : (5 + 2) \quad 35 : 7 + 63 : 9$$

$$9 + (3 + 6) \cdot 9 \quad 9 \cdot 8 + 54 : 9 \quad 45 : 9 \cdot 6$$



Берилган ифодалардан фойдаланиб, тенглик ва тенгсизлик тузинг.

6. Ҳисобланг.

$6 \cdot 2$	$7 \cdot 3$	$9 \cdot 4$	$8 \cdot 5$
$54 : 6$	$42 : 6$	$36 : 6$	$0 : 6$
$81 : 9$	$72 : 8$	$64 : 8$	$7 \cdot 8$



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Хуқуқлар ва вазифалар



Сиз масалалар ечасиз, ифодалардаги амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлайсиз, кўпайтириш жадвалидан фойдаланасиз.



Ҳамма болалар мактабга боришлари шарт, кичик ёшлилар эса бола боғчаларига боришлари керак.

Мактаб ошхонасига боришимиз мумкин.
Катталар ва болалар дам олиш хуқуқига эга.



1. Ифодалар тузинг. Уларнинг қийматини топинг.

$6 \cdot 7$ $5 \cdot 9$ $9 \cdot 6$ $8 \cdot 8$ $+$ $-$ $5 \cdot 9$ $9 \cdot 9$ $5 \cdot 6$ $4 \cdot 5$

М.и.

2. Ўзаро боғлиқ бўлган сонлар ёрдамида ифодалар тузинг.

<p>1 0 3 4 5</p> <p>6 7 8 9</p>	<p>0 7 8 9 6</p>	<p>81 63 72 1</p> <p>36 54 56 0</p>	<p>$\square \cdot \square = \square$</p> <p>$\square : \square = \square$</p>
---------------------------------	------------------	-------------------------------------	---

3. Масалаларга ифода тузинг.

- Ошхонага ҳар бирида 3 л бўлган 9 банка шарбат олиб келинди. Унинг 12 литри истеъмол қилинди. Неча литр шарбат қолди?
- Дам олиш уйида 185 та катта ёшлилар дам олишди, бу эса болаларга қараганда 69 та ортиқ. Дам олиш уйида жами неча киши дам олган?
- Болалар боғчасига 8 та катта копток, ундан 6 марта ортиқ кичкина копток олиб келинди. Болалар боғчасига жами неча копток олиб келинди?
- Болалар боғчасига 8 та арқонча олиб келинди, бу коптокка қараганда 2 марта ортиқ. Болалар боғчасига неча копток олиб келинган?



4. Тенгламаларни ечинг.

$$48 : x = 6$$

$$x : 9 = 6$$

$$68 - x = 45$$

$$x - 45 = 37$$



Ҳар бир ўқувчи мактаб кутубхонасига бориши мумкин.

5. а) Масала тузиб, уни ечинг.

1)



2)



б) Тескари масалалар тузинг.



в) Масала икки амал билан ечиладиган қилиб саволини ўзгартиринг.

Ўқувчи ўзининг ўқув қуролларини яхши тутиши шарт.



6. Масалаларни ечинг.

а) 4 та наклейка 32 тенге туради. Битта наклейка қанча тенге туради?

б) Ўқувчи 5 тенгедан 6 та ручка ва 6 тенгедан 4 та дафтар сотиб олди. Ҳамма сотиб олинган нарсалар қанча туради?



Ўқувчи синфда ишлаш тартибига риоя қилиши шарт.

7. Вақтга берилган бу мисолни ечиш учун ўқувчи ишни қандай ташкил этиши керак?

$$9 \cdot 9$$

$$8 \cdot 9$$

$$7 \cdot 7$$

$$9 \cdot 8$$

$$8 \cdot 8$$

$$8 \cdot 7$$

$$7 \cdot 9$$

$$7 \cdot 8$$

$$9 \cdot 7$$



8. Ҳар бир устундаги ифодаларнинг қийматлари бир хил эканлигини ҳисобламай туриб айтиш мумкинми?

$$2 \cdot 6 + 4 + 12$$

$$7 \cdot 8 + 7 - 11$$

$$4 \cdot 6 + 4 + 28$$

$$6 \cdot 2 + 4 + 12$$

$$7 \cdot 9 - 11$$

$$4 \cdot 8 + 32$$

$$3 \cdot 8 + 15$$

$$9 \cdot 7 - 11$$





$$8 \cdot 4 + 32$$

9. Жадвал асосида ифодалар ёзинг.

Кўпайтувчи		6	3	5	4		8		5
Кўпайтувчи	2		3	4		3	2	1	1
Кўпайтманинг қиймати	14	18			16	21		9	

Бўлинувчи		21	36	27	14	15		16	35
Бўлувчи	4	3	4		2	5	7		1
Бўлинманинг қиймати	8			3			4	16	

10. Масалалар тузиб, уларни ечинг.

Баҳоси	Сони	Умумий баҳоси
 ? тенге	5 та	20 тенге
 ? тенге		25 тенге
 ? тенге		30 тенге
 ? тенге		k тенге



11. Сиз укандиз билан хиёбонга бормоқчисиз. Онандиз сизларга 1000 тенге берди. Сизлар аттракционга, кинога боришни ва ширинликлар сотиб олишни режалаштирдиз. Баҳоларни кўриб чиқинг. Пулингизни қандай сарфлаш кераклигини ўйлаб кўринг.

Карусель	40 тенге
Батут	50 тенге
Қувноқ тепаликлар	80 тенге
Автодром	70 тенге
Ҳалинчак	40 тенге
Кино	100 тенге
Конфет	15 тенге
музқаймоқ	50 тенге
“Қулупнай” шарбати	20 тенге



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Хайрли ишлар



Сиз ифодалардаги амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлайсиз, масалалар ечасиз.

1. Яхшиликнинг ёмонликни енгизиши ҳақидаги муסיқий ва бадий асарлар борми? Ифодаларнинг қийматини ўсиш тартибида жойлаштириб, мақолни ўқинг.



М.и.

2. а) Ҳисобланг.

$8 \cdot 8 + 360$

$24 : 8 \cdot 4 : 6$

$72 : 8 + 250$

$8 \cdot 9 + 280$

$60 - 8 \cdot 4 + 200$

$64 : 8 - 8 + 902$

$250 - 8 \cdot 6$

$8 \cdot 7 - 28 + 430$

$48 + 48 : 8 - 32$

$16 : 2 \cdot 3 : 6$

$120 + 8 \cdot 5 - 60$

$100 - 56 : 8 + 231$

б) Ифодаларнинг қийматини топинг.

Камаювчи	99	88	77	66	55
Айрилувчи	$72 : 8$	$9 \cdot 8$	$63 : 9$	$9 \cdot 7$	$6 \cdot 5$
Айирманинг қиймати					



3. Масалаларни ечинг.

а) Юзи 21 м^2 бўлган юпқа тахтадан бир хил 7 та донхўрак яшаш мумкин. Худди шундай 24 м^2 бўлган юпқа тахтадан нечта донхўрак яшаш мумкин?

б) Мактабдаги ҳар бир ўқувчига 2 кг дан макулатура олиб келиш топширилди. Синфимиздан 8 та ўғил бола ва 9 та қиз бола макулатура олиб келишди. Синфимиз ўқувчилари неча килограмм макулатура топширишган?

4. Ҳисобланг.

$$9 \cdot 8 - 4 \cdot 0 + 12 : 6 \quad 40 : 5 : 2 + 6 \cdot 7$$

$$466 + 309 - 24 : 4 : 2 \quad 6 \cdot 5 + 25 : 5 \cdot 9$$



5. Неваралари бувисига ҳосилни йиғиб олишга ёрдамлашишди. Бу фаолиятни хайрли иш деб қабул қилиш мумкинми? Нима учун? Жадвал асосида масалалар тузиб, уларни ечинг.

Битта яшикнинг массаси	Сони	Умумий массаси
бир хил	9 та	81 кг
	4 та	? кг

Битта яшикнинг массаси	Сони	Умумий массаси
8 кг	бир хил	48 кг
? кг		54 кг

Битта яшикнинг массаси	Сони	Умумий массаси
9 кг	4 та	бир хил
6 кг	? та	

6. Берилган чизмадан фойдаланиб, тузилиши қуйидагича бўлган ифода тузинг: $(\square \cdot \square) + (\square \cdot \square) \quad (\square \cdot \square) - (\square \cdot \square)$

$9 \cdot 7$		$8 \cdot 8$		$9 \cdot 3$
	$9 \cdot 4$		$9 \cdot 8$	
$72 : 8$		$56 : 7$		$81 : 9$
	$42 : 7$		$3 \cdot 3$	



2-3 амалли ифодалар тузинг.

7. Тенгламалар ечинг.

$$64 : x = 85 - 77$$

$$35 + x = 9 \cdot 9$$

$$a \cdot 8 = 32 + 32$$



8. Яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги асарларни ўқиб, мультфильмлар кўрганмисиз? Билвосита саволлар билан берилган қисқа ёзув бўйича масалалар тузинг.



а) Ойша – 4 м, бу эса 2 марта кам
Севара – ? м

б) Ойша – 4 м, бу эса 2 марта ортиқ
Севара – ? м } ? м



9. Масаларга ифода тузинг.

а) Синфни безаш учун қизлар 24 та нақш тайёрлашди. Ўғил болалар эса 4 марта кам нақш тайёрлашди. Улар биргаликда нечта нақш тайёрлашган?

б) Ўқувчилар ҳайвонотлар боғидаги жониворларга 9 килограмдан 5 қоп хашак тайёрлашди. Зебрага 19 кг хашак берилди. Неча килограмм хашак қолди?




10. Ифоданинг қийматини топинг.

Қўшилувчи	39	8	77	16	55
Қўшилувчи	$72 : 8$	$9 \cdot 8$	$63 : 9$	$9 \cdot 7$	$6 \cdot 5$
Йиғиндининг қиймати					



11. Дафтарингизга юзи худди шундай бўладиган бошқа фигура чизинг.



Дарс мавзуси бўйича топшириқлар ва саволлар тузинг.



Мен ўз ютуқларимни текшираман

БИЛИШ
Кўпайтириш
жадвалини
биламан.

Бўш катакларни тўлдириг. Тушириб қолдирилган компонентларни айтиг.

$$\square \cdot 8 = 64 \quad 7 \cdot \square = 49 \quad \square \cdot 9 = 63$$

$$72 : \square = 8 \quad 81 : \square = 9 \quad \square : 5 = 8$$

ТУШУНИШ
Катталиқлар
орасидаги боғла-
нишни ўрнатув-
чи формуладан
тенглик сифати-
да фойдаланиш-
ни тушунаман.

Биринчи формула бўйича кейинги формула-
ларни тўлдириб ёзинг.

$$У.б. = б \cdot с$$

$$б = У.б. : \square$$

$$с = \square : \square$$

$$У.м. = х \cdot с$$

$$х = У.м. : \square$$

$$с = \square : \square$$

ҚЎЛЛАШ
Бир ёки иккита
ҳарфдан ташкил
топган ифодалар-
ни ёзаман, ўқий-
ман, тузаман.

Ифода тузинг. Бунда $b = 100$, $a = 7$. Ифода-
нинг қийматини топинг.

Камаювчи	b	88	b	66
Айрилувчи	$56 : 7$	$6 \cdot a$	$49 : a$	$5 \cdot a$
Айирманинг қиймати				

АНАЛИЗ

2-3 амалли катталиклар орасидаги боғланишга доир масалаларни таҳлил қилиб, еча оламан.

Масала шартини жадвалга ёзиб, уни ечинг. Қандай формуладан фойдаланганингизни ёзинг.

63 м газламадан бир хил 7 та костюм тикиш мумкин.

81 м газламадан худди шундай нечта костюм тикиш мумкин?


СИНТЕЗ

Билвосита саволлар билан берилган масала туза оламан.

Билвосита саволлар билан берилган масалани ечинг. Қисқа ёзувини билвосита саволсиз бўладиган қилиб ўзгартириб ёзинг.

Одина – 4 м, бу 2 марта кам

Севара – ? м



БАҲОЛАШ

Амалларнинг бажарилиш тартиби тўғри кўрсатилганлиги ва тўғри ҳисобланганлигини текшира оламан.

Амалларнинг бажарилиш тартибида йўл қўйилган хатоликни тўғриланг. Ҳисобланг.

$$\overset{1}{(3 + 4)} \cdot \overset{2}{5}$$

$$3 \cdot \overset{1}{6} : (\overset{2}{5} + \overset{3}{4})$$

$$(\overset{1}{6} + \overset{2}{6}) : \overset{3}{4} \cdot 9$$

$$(\overset{1}{25} - \overset{2}{10}) : \overset{3}{3} + \overset{4}{6} \cdot \overset{3}{8}$$

$$42 + \overset{4}{18} : (\overset{3}{6} + \overset{2}{12} : \overset{1}{4})$$

МУНДАРИЖА

Азиз дўстим!	3
--------------------	---

1А бўлим.

1000 ИЧИДАГИ СОНЛАР. ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

1000 ичидаги сонлар.....	4
Хона қўшилувчиларининг йиғиндиси.....	7
Уч хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айириш.....	10
Уч хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айириш.....	12
Уч хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айириш.....	14
1000000 гача мингликлар билан санаш.....	17
1000000 гача мингликлар билан санаш. Сонлар қатори.....	20
Кўп хонали сонларнинг модели. Сонлар қатори.....	22
Уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмлари.....	24
Уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмлари.....	27
Уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмлари.....	29
Уч хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмлари.....	31
Ўтилганларни мустаҳкамлаш.....	34
Умумлаштириш.....	36
Ўзингизни текширинг!.....	39

1В бўлим.

КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

Кўпайтириш ва бўлиш амалларини бажаришда 1 сонининг хоссаси.....	41
Кўпайтириш ва бўлиш амалларини бажаришда 0 сонининг хоссаси. Сонни 0 га бўлиш мумкин эмаслиги.....	44
0 ва 1 сонлари билан амаллар бажариш. Қавсли ифодаларнинг қийматини топиш.....	46
Масаланинг моделини тузиш.....	48
Масаланинг моделини тузиш.....	50
Юз. Юз ўлчов бирликлари.....	52
Юз. Юз ўлчов бирликлари.....	56
Юз. Юз ўлчов бирликлари.....	58
Катталиклар орасидаги боғланиш.....	60

Иккита тўпламнинг бирлашмаси ва кесишмаси.....	63
Иккита тўпламнинг бирлашмаси ва кесишмаси.....	67
Имкониятлар дарахти.....	70
Имкониятлар тармоғи.....	73
Умумлаштириш.....	77
Ўзингизни текширинг!.....	80

1С бўлим.

ЖАДВАЛ ИЧИДА КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

6 сонига кўпайтириш ва бўлиш жадвали.	
Билвосита саволлар билан берилган масалалар.....	82
Формулалар.....	85
7 сонига кўпайтириш ва бўлиш жадвали.....	88
Ўтилганларни мустаҳкамлаш.....	91
8, 9 сонларига кўпайтириш ва бўлиш жадвали.....	93
Кўпайтириш жадвалини мустаҳкамлаш.	
Билвосита саволлар билан берилган масалаларни ечиш.....	95
Масалалар ечиш.....	97
Умумлаштириш.....	100
Ўзингизни текширинг!.....	103

Учебное издание

**Акпаева Асель Бакировна
Лебедева Лариса Анатольевна
Мынжасарова Маржангул Жангазиновна
Лихобабенко Татьяна Викторовна**

МАТЕМАТИКА

1-қисм

**Умумтаълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик**

(на узбекском языке)

**Методист *О.С. Держинская*
Редактор *А.А. Альмурсина*
Художник *Б.Б. Булатов*
Художественный редактор *Т.В. Тольбекова*
Перевод узбекского текста *М.Зайниддинова*
Компьютерная верстка узбекского текста *Г.А. Утеновой***

ИБ №7345

Подписано в печать 20.07.2018 г.
Формат 84×108 ¹/₁₆. Печать офсетная.
Гарнитура «SchoolBook». Бумага офсетная.
Усл. п.л. 11,34. Усл. кр. отт. 45,36.
Тираж 7500 экз. Заказ №

Республика Казахстан,
ТОО «Алматыкітап баспасы»
050012, г. Алматы, ул. Жамбыла, 111,
тел. (727) 250 29 58; факс: (727) 292 81 10.
e-mail: alkitap@intelsoft.kz
www.almatykitap.kz

Издательство «Жазушы»
050009, г. Алматы, пр. Абая, 143,
тел. (727) 394 41 55; факс: (727) 394 41 64.
e-mail: zhazushi@mail.ru